Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOIY GAZETA | № 11 (4566) // 2020-yil 13-mart

ХОРАЗМДА ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАР ЯНГИЧА РУҲДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожи, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 12 март куни Хоразм вилоятига келди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси ҳудудида жойлашган бўялган трикотаж мато ва текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган "Develop Textile" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона фаолияти билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги "Ургут", "Ғиждувон", "Қўқон" ва "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги фармони ҳамда 2017 йил 7 августдаги "Эркин иқтисодий зоналар самарали фаолият кўрсатиши учун вазирликлар, идоралар ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларини мувофиқлаштиришни кучайтириш ва уларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Хоразм вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз 2017 йил 14-15 октябрь кунлари Хоразм вилоятига ташрифи давомида "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси фаолиятини янада ривожлантириш лойиҳалари тақдимоти билан танишиб, ҳудуд иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича аниқ топшириқлар берган эди. Айни кунда ушбу йўналишда кенг қамровли амалий ишлар жадал олиб борилмоқда.

"Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси учун Ҳазорасп туманининг 2 та ҳудудидан 325 гектар бўш ер майдони ажратиб берилган эди. Қурилиш ва инфратузилма тармоқлари барпо этиш харажатларини камайтириш мақсадида ЭИЗ корхоналарини биринчи навбатда бўш турган бино ва иншоотлар негизида жойлаштириш бўйича таклифлар ўрганилиб, яна 7 та ҳудуддан 89 гектар майдон эркин иқтисодий зона ҳудудига қўшиб берилди. Натижада "Ҳазорасп" эркин иқтисодий зонаси ҳудуди Боғот, Хива, Урганч туманларидан ажратилган майдонлар ҳисобига кенгайиб, жами 414 гектарга етди.

Бугунги кунда "Ҳазорасп" ЭИЗда умумий қиймати 306,3 миллион долларлик 19 лойиҳа бўйича иш олиб борилмоқда. Ўтган давр мобайнида ўндан ортиқ лойиҳа тўлиқ ишга туширилди ва сендвич панеллар, ювиш воситалари, автомобиль радиаторлари, қурилиш материаллари, тайёр трикотаж маҳсулотлари, қуёш батареялари, стерилланган бир марталик тиббиёт қўлқоплари ва пойафзал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шунингдек, қиймати 19,5 миллион долларга тенг 5 та лойиҳа жорий йилнинг биринчи ярмида ишга туширилади ва яна 500 дан ортиқ киши доимий иш ўрнига эга бўлади. Тиббиёт тест таёқчалари, маиший техникалар учун электр двигателлар, жомадонлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилади. Шу билан бирга, эркин иқтисодий зонада 9 та истиқболли лойиҳани амалга ошириш бўйича ишлар бошлаб юборилган. Мазкур лойиҳалар амалга оширилиши ҳисобига 1500 га яқин янги иш ўрни яратилади.

Эркин иқтисодий зона ҳудудида алоҳида божхона режими, солиқ имтиёзларининг амал қилиши ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлигини ошириб, тўғридан-тўғри сармояларни жалб қилишда муҳим омил бўлмоқда.

"Develop Textile" МЧЖ шаклидаги хорижий корхона эркин иқтисодий зона ҳудудидаги истиқболли лойиҳалардан бири. Бугунги кунда лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ қурилиш ишлари якунланган. Кенг, ёруғ цехлар, омборхона ва бошқа қўшимча хоналар барпо этилган. Ишчиларнинг унумли меҳнат қилиши ва дам олиши учун зарур қулайликлар яратилган. Хориждан келтирилган замонавий тикувчилик дастгоҳлари ўрнатилган.

Йирик лойиҳани ишга туширишга учун 13,14 миллион доллар маблағ сарфланди. Унинг 4,16 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестиция, 8,98 миллион доллари тижорат банкининг кредит маблағидир.

Давлатимиз раҳбари мазкур корхонада бўлиб, мутахассислар ва тикувчилар билан суҳбатлашди. Ишлаб чиқариш жараёни ва тайёр маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди. Президентимиз бу каби замонавий корхоналарни кўпайтириш орқали пахта хомашёсини қайта ишлашни йўлга қўйиш, эндиликда фақат тайёр маҳсулот экспорт қилиш зарурлигини қайд этди.

Лойиҳа ишга туширилиши билан 800 га яқин иш ўрни яратилади. Корхона йилига 4 минг тонна ҳар хил турдаги бўялган чоксиз тайёр трикотаж мато, 14 миллион дона трикотаж-тикув маҳсулотлари ишлаб чиқариб, 12 миллион долларлик маҳсулотни Германия, Франция ва Европанинг бошқа давлатларига экспорт қилишни режалаштирган.

"Ҳазорасп" ЭИЗ кенг имкониятлар майдони бўлиб, ҳудудда ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, янги иш ўринлари ташкил этиш, пировардида аҳолини барқарор даромад манбаи билан таъминлашга хизмат қилади. Бу эса миллий иқтисодиётимиз тараққиёти, юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Шу ерда Хоразм вилоятида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари, ташкил этиладиган ишлаб чиқариш ҳудудларининг жойлашуви, инфратузилмани ривожлантириш, автомобиль йўлларини қайта қуриш ва реконструкция қилиш, ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш, камбағалликни камайтириш ва бошқа лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари кўп йиллик лойиҳалар тузишдан воз кечиб, қисқа муддатли, самарали, бир йиллик лойиҳаларни кўпайтириш лозимлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Янгиариқ туманидаги "Global Food Impeks" масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилган замонавий иссиқхонани кўздан кечирди.

"Global Food impeks" МЧЖга 23 гектар ер ажратилган. Ҳозирда тумандаги 10 гектарлик ва Нукус шаҳридаги 3 гектарлик иссиқхонада помидор ва бодринг етиштирилмоқда. Янгиариқда қурилаётган 10 гектарлик иссиқхонани эса жорий йил сентябрь ойига қадар ишга тушириш режалаштирилган. Бу ерда қулупнай, гул ва кўчатлар етиштирилади.

Президентимиз ташриф буюрган иссиқхонада йилига 3 минг тоннадан зиёд бодринг ва 2 минг тонна помидор етиштирилади. Помидорнинг Нидерландиядан келтирилган нави экилган. Бу нав "Юсупов" навига ўхшаб кетади. Гектарига 400-450 тоннагача ҳосил беради. Узилганидан кейин 25-28 кун яхши сақланади, сархиллик хусусиятини йўқотмайди.

Помидор Россияга экспорт қилинмоқда. Жорий йил январь-февраль ойларида 480 минг долларлик помидор шу мамлакат бозорига етказиб берилди. Экспорт жараёни қулайлаштирилган. Божхона, санитария ва бошқа экспортга рухсат берувчи ташкилотлар ходимлари иссиқхонанинг ўзига келиб ҳужжатларни расмийлаштириб беради. Маҳсулот Янгиариқдан Москвагача юк машиналарида 2,5-3 кунда етказиб борилади. Куни кеча илк бор Санкт-Петербургга 10 тонна помидор юборилди.

Ҳосил гидропоника усулида етиштирилади, яъни ҳар бир кўчат кокос дарахти пўстлоғи бўлган махсус ўрамга экилади. Томчилатиб суғорилади, ўсимликка минерал ўғит ҳам сув орқали берилади.

Кокос ўрами Шри-Ланкадан, ўғитлар эса Нидерландиядан келтирилади. Бунга тадбиркорларимиз кўп маблағ сарфлайди. "Global Food impeks" МЧЖ раҳбари Алишер Маткаримовнинг айтишича, ҳосил учун энг кўп ишлатиладиган ва жуда зарур кальций нитрат ўғитининг 23-24 тоннаси юкланган катта юк машинаси Янгиариқдаги иссиқхонага кириб келиши учун 25 минг доллар маблағ керак бўлади. Бизда ишлаб чиқарилса, бу кўрсаткич тахминан 9-10 минг долларга айланиши мумкин.

►2

ЖУРНАЛНИНГ МАХСУС СОНИ ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги "Hyatt Regency" меҳмонхонасида Озарбайжоннинг халқаро миқёсда нашр этиладиган "Tarixi Şəxsiyyətlər" ("Тарихий шахслар") журнали томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Йил одами" деб эътироф этилиши муносабати билан ушбу нашрнинг Ўзбекистонга бағишлаб чоп этилган махсус сони тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимизда рўйхатдан ўтган дипломатик корпус вакиллари, жумладан, қатор хорижий давлатлар элчилари, халқаро ташкилотлар вакиллари, мамлакатимиз тегишли вазирлик ва идоралари мутасаддилари, кенг жамоатчилик иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Озарбайжон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Гусейн Гулиев, "Tarixi Şəxsiyyətlər" журнали Бош муҳаррири Халил Карахмедов ва бошқалар Президентимизнинг "Йил одами" сифатида эътироф этилиши унинг фаолиятига берилган ҳаққоний, адолатли баҳо бўлиб, мамлакатимизда нисбатан қисқа муддатда мисли кўрилмаган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилгани, бугунги кунда дунёга юз очаётган, том маънода янгиланаётган Ўзбекистон эришаётган натижалар бевосита Шавкат Мирзиёев номи билан боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади.

Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Элчихона ҳузуридаги Гейдар Алиев номли Озарбайжон маданий маркази кўмагида чоп этилган "Tarixi Şəxsiyyətlər" ("Тарихий шахслар") журналининг рус тилидаги махсус сони ("Исторические личности")да, жумладан, шундай дейилган:

"Тарихий анъаналарни тиклаш йўлидаги сермаҳсул фаолияти, Ўзбекистон Республикасининг сиёсий ва иқтисодий нуфузини жаҳон миқёсида оширишдаги мислсиз саъй-ҳаракатлари, шунингдек, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Озарбайжоннинг "Тарихий шахслар" халқаро журнали Таҳрир ҳайъати аъзоларининг якдил қарори билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йилда "Йил одами" деб эътироф этилди".

– "Tarixi Şəxsiyyətlər" журнали халқаро миқёсда ўзига хос обрўга эга нашр ҳисобланади, – дейди Гусейн Гулиев. – "Йил одами" танловининг ҳам нуфузи жуда юқори. Сабаби, "Йил одами"ни эълон қилишдан олдин ҳайъат аъзолари нафақат Озарбайжонда, балки МДҲнинг турли мамлакатларидаги таниқли сиёсатчилар, давлат арбоблари ва жамоатчилик ўртасида сўров ўтказади. Кейин фикр-мулоҳазалар йиғилиб, ўрганилади, таҳлил қилинади. Шундан сўнг якуний қарор чиқарилади. Бу гал аксарият мутахассислар бир неча номзод орасидан айнан Президент Шавкат Мирзиёевга овоз беришган. Бу жуда адолатли қарор. Зеро, давлатингиз раҳбарининг сўнгги уч йиллик фаолиятини кузатиб, таҳлил қилиб кўрилса, бошқа номзодни танлашнинг иложи йўқ эди. Унинг ташаббуси ва раҳбарлигида мамлакатда улкан ижобий ўзгаришлар юз бераётганини бутун жаҳон ҳамжамияти кўриб турибди. Энг муҳими, Ўзбекистон халқи ўз Президентини қўллаб-қувватламоқда.

Таъкидлаш жоизки, Озарбайжонда 2006 йилдан буён чоп этиладиган ушбу журнал анъанавий равишда давлат раҳбарлари, таниқли давлат ва сиёсат арбоблари орасидан "Йил одами"ни эълон қилиб келади. Ҳозиргача бундай шарафли номга Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин сингари машҳур шахслар сазовор бўлган.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчилари Х.Султонов, А.Абдувоҳидов ва Р.Қосимов иштирок этди.

Ғайрат ХОННАЗАРОВ,
Озода БЕКМУРОДОВА,
ЎзА мухбирлари

ЭЪТИРОФ

ЭЗГУЛИК, АЛБАТТА, УНГАЙ

Бугун мени қувонтирадиган энг асосий воқелик юртимизда давлат сиёсати даражасида адабиётга, санъатга, маънавият ва маърифатга эътибор берилаётганидир. Ҳақиқатан ҳам, агар ҳар бир юртдошимиз том маънода маданиятли, маърифатли бўлса, ҳамма жойда ишлар яхши кетади. Энг ёмони — лоқайд одамларнинг борлиги. Ҳар биримиз лоқайдликка, эътиборсизликка қарши курашсаккина, кўзлаган мақсадга етишимиз мумкин.

ҲАЙРАТДАМАН

Ўша кундан буён ҳайратдаман: камтарона хизматларим юксак эътирофга лойиқ кўрилгани, аёлга эътибор, эъзоз мени ҳайратга соляпти. Аввалроқ хотин-қизларимизнинг раҳбарлик лавозимларига тайинланаётганидан кўнглим фахр ва ғурурга тўлаётганди. Чунки ҳали юртимизда бунақаси бўлмаган.

►5

АЁЛГА ЭЪТИБОР...

Мен Сариосиё туманида, баланд тоғлар этагида жойлашган 29-мактабда болаларга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бераман. Уч нафар фарзандим, набираларимни Ватанга садоқатли этиб улғайтиришга ҳаракат қилаяпман.

►2

ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

Инсон ҳамиша орзу билан яшайди. Орзу ҳаёт йўлларимизда йўлчи юлдузга айланади. Менинг ҳам айни балоғат остонаси — ўн беш ёшимда кўнгилга туккан орзуларим орадан ўн бир йил ўтиб рўёбга чиқди. Президентимиз қарорига мувофиқ бу йил Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлдим. Мен ушбу дил сўзларимни қувонч ва ҳаяжон билан битишни ўн бир йил орзиқиб кутдим.

ХОРАЗМДА ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАР ЯНГИЧА РУҲДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

Тадбиркор кокос дарахти пўстлоғи озуқаси ўрнини босувчи табиий манбани ўзимизда ишлаб чиқариш ҳаракатида. Бу борада Урганч давлат университети олимлари билан ҳамкорликда илмий ишлар бошланган. Шу мақсадда университет учун лаборатория ҳам қурилади.

Ҳозирча иссиқхонани туркиялик агрономлар бошқармоқда. Улар ёнида Урганч давлат университети ўсимликшунослик факультети 4-босқич талабалари иш ўрганаётир. Талабалар синов муддати билан ишга олинган. Ҳозирча уларга ойига 2 миллион сўмдан маош тўланмоқда. Иккинчи йилдан иктидорига қараб 10 миллион сўм ойлик олиши ваъда қилинган. Ишни мустақил юрита олиш даражасига етгач, ёш агрономларга 40 миллион сўмгача ойлик тўланади. Чунки бугунги кунда иссиқхона саноатида агроном асосий куч ҳисобланади.

Иссиқхонада 260 иш ўрни яратилган бўлиб, уларнинг 200 нафари хотин-қизлардир. Ишчилар меҳнатига яраша 1 миллион сўмдан 4,5 миллион сўмгача ойлик олади. Шунингдек, яхши ишлаганларга кунлик, ҳафталик пул мукофотлари берилади. Асосий жараён компьютерда бошқарилади. Ишчилар фақат ҳосилни териш ва қадоқлаш билан шуғулланади.

– Қишлоқ хўжалигида илм, янгича дунёқараш пайдо бўлди. Мана, ишнинг кўзини билса, катта даромад олиш мумкинлигига мисол. Хоразмнинг ери шўр. Шундай жойларда замонавий иссиқхоналарни қўпайтириш, 100-200 гектарга етказиш керак. Ҳам одамларга иш жойи, ҳам экспорт бўлади, – деди давлатимиз раҳбари.

Иссиқхона деталларини маҳаллийлаштириш, бозор талабидан келиб чиқиб, қайта ишлашни йўлга қўйиш бўйича топшириқлар берилди.

Шу ерда вилоятда мева-сабзавотчилик, томорқачилик, чорвачилик, балиқчиликни ривожлантиришга оид лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Президент Янгиариқ туманидаги "Хоразм пилла холдинг" корхонаси фаолияти билан танишди.

Бир йил аввал корхона ўрнида 70 йиллар олдин қурилган эски пиллахона бўлган. Шу атрофда яшаётган хотин-қизларни эса ишсизлик масаласи қийнаб келарди. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатда кластер усулида пилла етиштириш тизими йўлга қўйила бошлагани янгиариқлик хотин-қизлар ҳаётида ҳам янги саҳифа бошлаб берди.

Эски пиллахона ўрнида замонавий жиҳозланган, кластер усулида ишлайдиган "Хоразм пилла холдинг" масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади. Корхонада лойиҳалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Биринчи босқичда пиллани қайта ишлайдиган 2 та линия ишга туширилади. Бунинг учун тадбиркор 1,3 миллион доллар маблағ сарфлади. Корхонада пилладан хом ипак, ипак момиғи ишлаб чиқарилади, 50 дона замонавий дастгоҳда ипак гилам тўқилади. 2 сменада 200 доимий, 1800 мавсумий ишчи, асосан, хотин-кизлар меҳнат қилмоқда. Корхона жорий йилда 1 миллион 159 минг долларлик маҳсулотни экспорт қилишни режалаштирган. Лойиҳа учун сарфланган маблағ 5 йилда қопланиши кутилмоқда.

Хоразмда пиллани қайта ишлаш бўйича илғор тажрибалар оммалашмоқда. 2019 йилда вилоятда "Хоразм ипаги", "Khiva silk fabric", "Urganch silworn pro" ва "Хоразм пилла холдинг" каби пиллани қайта ишлаш корхоналари иш бошлади.

Жорий йилда вилоятда пиллачилик соҳасида 1649 доимий ва 4 марта пилла етиштириш мавсуми ҳисобига 55 минг 585 мавсумий иш ўрни яратилиши мақсад қилинган.

"Хоразм пилла холдинг" корхонаси жорий йил охирига қадар "Afghan Bazar Garpets" хорижий корхонаси (Германия) билан ҳамкорликда ипак, жун ва пахта толаси аралашмасидан кўлда гилам тўқиш цехи очишни режалаштирган. Бу яна 200 хотин-қизни иш билан таъминлаш имконини беради. Лойиҳа тутзорлар ташкил қилишдан бошлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараённи қамраб олади. Маҳсулотлар Европа ва АҚШ бозорларига экспорт қилинади.

Президентимиз хотин-қизлар учун муносиб иш ўрни яратиш омили бўлган бу каби кластер усулидаги корхоналарни ҳар бир туманда ташкил қилиш зарурлигини таъкидлади.

– Хомашё етиштиришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараён ҳар бир туманда йўлга қўйилиши керак. Бу жараёнга асосан тадбиркорларни жалб этиш яхши самара беради. Ўзбек ипак маҳсулотларига бозор бор экан, бу каби кластерларни кўпайтирамиз, – деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Хива шаҳридаги "Ичан қалъа" мажмуасига ташриф буюриб, Амир Тўра мадрасасида амалга оширилган реставрация ишлари билан танишди.

Маълумки, Хива жаҳон миқёсида тарихий шаҳарлар дурдоналаридан ҳисобланади. Очиқ осмон остидаги музей, дея эътироф этиладиган бу қадимий қалъа 1990 йили юртимизда биринчи бўлиб ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

"Ичан қалъа"да халқимизнинг ноёб меъморлик анъаналари, аждодларимизнинг турмуш тарзи, ҳунармандлиги, санъати ва маданияти ўз ҳолича сақланиб қолган. Мажмуадаги 58 та тарихий-маданий мерос объектидан 17 тасида турли музейлар жойлашган.

Мажмуадаги тарихий обидаларни асл ҳолича сақлаш мақсадида реставрация ва консервация ишлари олиб борилмоқда. Музей-қўриқхонанинг шимолий қисмида, аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудда жойлашган Амир Тўра мадрасаси жорий йилда Хитой Халқ Республикасининг 9,5 миллион долларлик грант маблағи ҳисобидан қайта тикланди. Натижада ушбу иншоот "Ичан қалъа"даги туристик объектлардан бирига айланди.

Мадраса 1872 йили барпо этилган. Чор Россиясининг Хоразмга ҳужуми туфайли обида қурилиши охирига етказилмай тўхтаб қолган. Мадрасанинг олд фасади Хива меъморлигига хос тарзда икки қаватли қилиб қурилган. Бу ерда 54 та ҳужра бўлиб, ички саҳн кошин билан қопланган. Шунингдек, 2 та гумбазли хона, қишки ва ёзги масжидлар, дарсхона бўлган.

Давлатимиз раҳбари "Ичан қалъа"да халқимизнинг бебаҳо маданий мероси мужассам эканини, Амир Тўра мадрасаси каби ноёб обидалар аждодларимизнинг тарихий ўзига хослигини сақлаш ва келажак авлодларга асл ҳолича етказишда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

– Тарихий биноларни сақлаш ҳамма даврларда энг катта муаммо бўлиб келган. Хива Ўзбекистонда тарихий обидаларни таъмирловчи реставраторлар мактаби бўлган. Бугун ана шу мактабни қайта тиклаш вақти келди, – деди Президент. – Амир Тўра мадрасаси реставраторларни ўқитадиган мактаб бўлади. Бу ерда усталарга Самарқанд, Фарғона, Қўқон реставрация мактаблари анъаналари ўқитилади. Сайёҳлар кундузи реставраторлар ишини кўрса, кечки пайт бу ерда тарихий саҳналар, хон қабуллари намойиш этилади. Шундай қилсак, бу обидаларда ҳаёт қайнайди.

Туризм мамлакатимизда стратегик соҳалардан биридир. Хоразм вилоятида ҳам бу борада улкан салоҳият мавжуд. Ундан оқилона фойдаланиш мақсадида 2020-2021 йилларда вилоятда туризмни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган.

Мазкур дастурда Хоразмнинг туризм салоҳиятини ривожлантириш стратегияси белгилаб берилган. Унга кўра, келгуси икки йилда вилоятда 64 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Туризм лойиҳалари вилоятнинг барча туманларини қамраб олади.

Жаҳонда қузатилаётган коронавирус таҳдиди туризм бозорига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистонда бунинг олдини олиш ва соҳани барқарор ривожлантириш учун зарур чоралар ишлаб чиқилди. Давлатнинг институционал кўмаги, ҳукуматлараро ҳамкорлик, логистика, туризм салоҳияти тарғиботи, ички туризм ойлиги ва ҳафталиклари, "Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!" лойиҳалари ана шундай чоралар сирасига киради. Шунингдек, минтақавий туризм лойиҳаси орқали коронавирус тарқалмаган қўшни давлатлардан сайёҳларни жалб қилиш назарда тутилган.

Мамлакатимиз бўйлаб амалга ошириладиган бундай тадбирлар натижасида 580 минг хорижий сайёҳни жалб қилиш ва туризм хизматлари экспортидан 94 миллион доллар даромад кўриш режалаштирилган. Шунингдек, ички туризм орқали 5 миллион юртдошимизнинг саёҳатларини ташкил этиш ва қўшимча 840 миллиард сўм тушумга эришилади.

"Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили" Давлат дастурига мувофиқ, вилоятда таълим йўналишида лойиҳалар амалга оширилади. Жумладан, Хоразм вилоятида Малайзиянинг "Binary" университети филиалини, Урганч давлат университетида маданий меросни бошқариш, гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик йўналишларини очиш режалаштирилган. Бунинг натижасида вилоятда ҳар йили туризм йўналишида 50-60 нафар малакали кадр тайёрланади.

Хоразм лазгиси ўтган йил декабрь ойида ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос рўйхатига киритилган эди. Бугунги кунда Япония, АҚШ ва Европа давлатларида лазгига қизиқиш ортиб бормоқда. Ушбу санъатни ёшларга етказиш, хорижликларга маҳорат дарслари ўтиш учун Хоразмда лазги академияси ташкил этилади. Бу ҳам халқимизнинг номоддий маданий меросини дунёга тарғиб этишга хизмат қилади.

Айни пайтда вилоятда 600 дан ортиқ балиқчилик фермер хўжалиги мавжуд. Бу гастрономик туризмни ривожлантириш учун қулай имконияти-дир. Ундан фойдаланиш мақсадида 71 та кўлда халқаро стандартлар даражасида хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш орқали сайёҳлар оқимини кўпайтириш мўлжалланмоқда.

Афсуски, бизда ҳозир фақат балиқ ови ва гастрономик хизматлар кўрсатилади. Аслида Хоразмда биргина ушбу йўналишда ўндан ортиқ хизматни йўлга қўйиш мумкин. Бу йўналишни ривожлантириш ва келгусида Хоразмни балиқчилик, яъни "Fishing culture" марказига айлантириш кўзда тутилган. Ҳозирги кунда Франция ва Россия телекомпаниялари билан Хоразм балиқчилигига бағишланган кўрсатувлар суратга олинмоқда.

Қишлоқларда янги иш ўринлари яратишда туризмнинг роли катта. Хоразм мисолида "Туристик маҳалла", "Туристик қишлоқ" концепциялари ривожлантирилади. Бунинг учун тўртта қишлоқ танлаб олиниб, уларда саксонга яқин меҳмон уйлари барпо этиш, ҳудудларнинг ҳунармандлиги, агро ва этнотуризмини кўрсатиш мўлжалланаяпти.

Вилоятда тематик паркларни ривожлантириш бўйича ҳам лойиҳалар ишлаб чиқилган. Масалан, Хоразм заминидан қўплаб буюк аждодларимиз етишиб чиққан. Уларнинг мум ҳайкаллари ва фото зоналарини ташкил этиш мўлжалланмоқда. Улардан дастлабки тўрттаси "Ичан қалъа"да ўрнатилади. Йил охиригача ўндан зиёд аждодларимизнинг ҳайкаллари ўрин олади.

Хива туманида "Анор", "Анжир", Янгиариқ туманида "Меннонит қишлоғи" тематик парклари барпо этилади. Натижада кўплаб янги иш ўринлари яратилади, ҳудудларнинг туризм жозибадорлиги ортади.

Давлатимиз раҳбари туризм лойиҳалари билан танишар экан, Хивада хонлар шаҳарчаси барпо этиш, бу ерда Хоразм хонлари тарихини кўрсатиш, халқимиз ва хорижий сайёҳларга етказиш лозимлигини таъкидлади.

– Бизники сингари буюк тарих ер юзида жуда кам. Жалолиддин Мангубердидек буюк аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Боболаримиз тарихини ўргатадиган масканларни кўпайтирсак, ҳам даромад келади, ҳам халқимизга тарихимизни ўргатамиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Хива шаҳридаги бирорта обида эътиборсиз қолмаслиги, амалга ошириладиган лойиҳалар натижасида дунёдаги гўзал туристик масканлардан бирига айланиши лозимлигини таъкидлади, Вилоятда туризмни ривожлантириш борасида мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Хива шаҳридаги Президент мактабида яратилган шароит билан танишди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда билимли ёшларни тарбиялаш учун мустаҳкам пойдевор қўйилди. Хусусан, ҳар бир ҳудудда Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар барпо этилаётгани мактаб таълимини жаҳон стандартлари даражасида ривожлантириш, барча соҳалар учун иқтидорли кадрлар тайёрлаш, ёшларнинг салоҳиятини юксалтиришга имконият яратмоқда.

Президент мактабларининг дунёда муқобили йўқ. Ушбу ўқув даргоҳларида таълим жараёни ривожланган давлатлар тажрибаси асосида ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурлари бўйича инглиз тилида олиб борилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 февралдаги "Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, қисқа муддатда Тошкент, Хива, Наманган ва Нукус шаҳарларида дастлабки Президент мактаблари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Хива шаҳридаги Президент мактаби ҳам анъанавий мактаблардан фарқли равишда ихчам ва билим олиш учун қулай. 2019 йил сўнггида фойдаланишга топширилган билим маскани вилоят ёшлари учун улкан совға бўлди.

Мактаб 168 ўринли бўлиб, 2 қаватли ўқув биноси, 3 қаватли ётоқхона, ошхона, хорижлик ўқитувчилар учун меҳмонхонага эга. Синф хоналари энг замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган. Спорт зали, сузиш ҳавзаси қурилишига ҳам инновацион ёндашилган. Мактаб кутубхонаси Кембриж, Оксфорд университетлари нашриётлари ҳамда Коллинз нашриётининг "STEAM" дастури бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари, ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналари билан таъминланган. Дарсликларнинг электрон шакллари ҳам мавжуд, бу ўқувчиларга улардан янада самарали фойдаланиш имконини яратади.

2019-2020 ўқув йилида 5-10 синфларга жами 144 нафар ўқувчи танлов асосида қабул қилинган.

Президент мактабида дарслар Кембриж университети экспертлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ўқув режаси ва дастурлари асосида олиб борилади. Мактабга 9 нафар хорижлик мутахассис ҳамда 21 нафар тажрибали маҳаллий ўқитувчи жалб қилинган. Улар ҳам халқаро таълим талаблари асосида махсус имтиҳонлар орқали танлаб олинган.

Давлатимиз раҳбари виртуал кимё лабораторияси, мусиқа хонасида яратилган шароитлар билан танишди, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди.

– Мана шундай масканларда қўплаб иқтидорли фарзандларимиз илм олишдек катта йўлга қадам қўйди. Бу уларнинг ҳаётидаги энг тўғри ва мақсадли танловдир. Келгусида турли соҳаларда улар эришаётган ютуқлар, юртимизга тегаётган фойдасини кўриш барчамиз учун бахт, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Жиззах, Самарқанд, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида ташкил этиладиган Президент мактабларида ўқув жараёнларини ташкил этиш борасидаги режалар билан ҳам танишди.

Президентимизнинг Хоразм вилоятига ташрифи давом этмоқда.

ЎзА

ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

Ортда қолган ҳар бир йилда мен кўп нарсаларни ўргандим. Жиззах давлат педагогика институти қошидаги 2-академик лицейни тамомлаб, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети журналистика факультетининг бакалавр, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети ноширлик ва муҳаррирлик йўналишида магистрлик дипломларини олдим. Энг қувончлиси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан "Биринчи китобим" туркумида "Тафаккур кемаси" номли бадиий публицистик тўпламим ўн минг нусхада чоп этилди. Республикамизда ўтказилган ижодий танловларда совриндор бўлдим.

Ўқишни тамомлаб фаолиятимни журналистика соҳаси билан боғладим. Талабалик йилларимданоқ Республикамизнинг отахон нашри — "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида иш бошладим. Ўша пайтдаги қувонч ва ҳадикларим ҳамон ёдимда. Негаки, бу қутлуғ даргоҳда халқимиз севган буюк ёзувчилар, шоирлар, сўзи ўткир мунаққидларнинг излари бор. Мени мана шу таҳририят, мана шу жамоада меҳнат қилган, қилаётган устозлар тарбиялади. Сўзнинг қадрига етишни, уни увол қилмасликни уқтиришди. Бунинг учун уларнинг барчасидан миннатдорман. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида мен маҳорат мактабини ўтадим.

Айни пайтда Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги "Зиё медиа маркази"да муҳаррир лавозимида ишлаяпман. Юртимизда диний-маърифий соҳадаги ўзгаришлар, инсониятни ҳамиша тинчликка, эзгулик ва яратувчанликка ундовчи муқаддас динимизнинг соф таълимотини халқимизга етказишда озми-кўпми ҳисса қўшишга қўлимдан келганча ҳаракат қилмоқдаман.

Президентимиз ташаббуси билан Зулфия номидаги давлат мукофоти учун ўтказиладиган танловда қатнашувчилар ёшининг ўттиз ёшгача узайтирилгани мен каби олий таълим муассасаларида таҳсил олиб, танлаган соҳасида меҳнат қилаётган қизлар учун катта имкониятлар эшигини очди.

Ижодкордўстларимни кузатиб, улардан илҳом олишга, улар каби изланишдан тўхтамасликка ҳаракат қиламан. Назаримда, ўзолдига улкан мақсад қўйиб ана шу йўлда бор кучини сарфлаган киши чинакам бахтли инсондир. Умримизэзгуниятлар, истакларнингижобати йўлидагиинтилишларимиз, ҳаракатларимизбилан маъно-мазмун касб этади. Шу боисдан ҳам ҳаётимизнинг ҳар бир лаҳзаси орзу билан уйғун бўлмоғи лозим, деб ўйлайман.

Вазира ИБРАГИМОВА,
Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори

АЁЛГА ЭЪТИБОР...

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

Куни кеча ўтган Хотин-қизлар байрами барча аёллар сингари менга ҳам унутилмас лаҳзаларни бахш этди. Давлатимиз раҳбарининг қарорига асосан I даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирландим ҳамда пойтахтимизда бўлиб ўтган катта байрам тадбирида қатнашдим. Бу юксак мукофот қалбимда эзгу ишларга янада рағбат уйғотди, ўттиз йиллик ўқитувчилик фаолиятим кўз ўнгимдан ўтди, чеккан заҳматларим унутилди.

Шу ўринда, аввало, ўғлим Баҳодир Жалолов ҳақида тўхталмоқчиман. У барчамизнинг ишончимизни оқлаб, бокс бўйича жаҳон рингларида улкан ғалабаларга эришиб келмоқда. Ҳозир Токиода бўладиган Олимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлик кўрмоқда.

Кечагина Иорданиянинг Амман шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича нуфузли турнирда навбатдаги олтин медални қўлга киритди.

Президентимиз Баҳодирнинг бокс оламида эришган ютуқларини мунтазам кузатиб бораётгани, уни рағбатлантираётгани, қўллаб-қувватлаётганини нафақат биз, балки бутун юртдошларимиз билиб, кўриб туришибди. Баҳодирнинг ютуқларида Президентимиз яратиб бераётган шарт-шароитларнинг ҳиссасини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Умуман, мамлакатимизда ўғлим сингари ёш спортчиларга кўрсатилаётган ғамхўрликлардан миннатдормиз.

Қувончимга қувонч қўшилишининг яна бир боиси шундаки, кейинги йилларда оналар, опа-сингилларга ҳурмат, эътибор ҳар қачонгидан-да ортиб бормоқда. Бу борада Президентимиз қатор фармон, қарорларни имзолади, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди, истиқболли лойиҳалар, йўл хариталари тузилмоқда. Мамлакат Парламентида аёллар сони сезиларли равишда кўпайди, аёллардан туман ҳокимлари тайинланмоқда. Бундан уч-тўрт йил олдин тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган савобли ишлар амалга ошириляпти. Куни кеча ўтказилган 8 март байрами тадбирида сенатор, депутат, раҳбар, санъаткор аёллар даврасида бўлганимдан фахрландим.

Фурсатдан фойдаланиб, жиддий ўзгаришлар амалга оширилаётган таълим соҳаси, шарафли касбим ҳақида сўзлаб ўтишим жоиз. Президент мактаблари, ихтисослашган таълим муассасалари, айниқса, биз она тили ва адабиёти ўқитувчиларининг орзуси бўлган ижод мактаблари очилаётгани ҳамда уларнинг сони тобора ортиб бораётгани таълим соҳасида янги давр бошланганидан далолат беради. Давлат тили сифатида она тилимизнинг мавқеи кучайганидан ғурурландим, бу янада сидқидилдан ишлашимга куч бағишлайди.

Умуман, таълим соҳасида рўй бераётган ўзгаришларни – ўқитувчига, ўқувчию талабага яратилаётган шарт-шароитларнинг барчасини ушбу мухтасар сўзимда қамраб олишим қийин. Ота-оналар ўз фарзандларини билимли, маданиятли қилиб тарбиялаш ҳаракатига тушиб қолишди. Аввалари қизларни олий ўқув юртида ўқитишга иккинчи даражали масала деб қаралганини олис қишлоқ, овулларда яшайдиганлар яхши билади. Ҳозирга келиб, олис қишлоқлардаги оталар қизларини ўқитиш учун шаҳарлардаги яхши мактабларга олиб келишяпти. Чунки хотин-қизлар орасидан етишиб чиқаётган раҳбарлар, олималарнинг иззат-ҳурмат топаётганини ҳаммамиз кўриб турибмиз.

Юқорида ўзимнинг она, аёл, ўқитувчи сифатида ҳаётимда рўй берган янгиликларга қисқача тўхталиб ўтдим. Буларнинг барчаси учун Президентимдан миннатдорман. Янги Ўзбекистонни мана шу жараёнларда кашф этиб боряпман, шунингдек, уни бунёд этишда иштирок этаётганимни ҳис қиляпман.

Янги Ўзбекистон равнақи учун ҳар биримиз оиламизда, маҳалламизда, ишхонамиздаги вазифаларимизни юксак даражада амалга ошириш учун фидокорона меҳнат қилишимиз керак. Меҳнат, заҳмат ортида роҳат борлигига, эзгу ниятлар билан бошланган ҳаракатлар беҳуда қолиб кетмаслигига ишонаман.

Сабоҳат ЖАЛОЛОВА,
Сариосиё туманидаги 29-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, I даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби

Зикрилла НЕЪМАТ

ОТАМДАН МЕРОС БОҒЛАР

Отахонлар

Хотира майдонин кезиб саҳарларда,
Қўлида гул, маъюс юрган отахонлар.
Қутлагаймиз сизни улуғ зафарлар-ла,
Эй, оғир жангларни кўрган отахонлар!

Қўлда қурол, ўн саккизга кириб-кирмай,
Жангда омон қолишини билиб-билмай,
Аёвсиз ўқ ёмғирини писанд қилмай,
Ғанимларнинг додин берган отахонлар.

Ватан учун, элу юрт учун тикиб бошин,
Гоҳ кўксига урилиб қайноқ қўрғошин,
Кўз олдида неча дўсту қуролдошин
Қулаб, жон берганин кўрган отахонлар.

Кимдир жангда бериб қўл ё оёғини,
Кимдир макон тутиб ёт эл тупроғини,
Рейхстагга қадаб зафар байроғини,
Ғалаба деб кўксин керган отахонлар.

Минг шукрким, у суронли йиллар ўтди,
Еру кўкни улуғ зафар куйи тутди,
Довруғингиз достон қилмоқ вақти етди,
Ватан учун жангга кирган отахонлар.

"Бизлар кўрдик урушни, сиз кўрмангиз, деб,
Бу ёруғ кунларнинг қадрин англангиз, деб
Огоҳликни асло қўлдан бермангиз!" – деб
Ҳамон сафда мағрур юрган отахонлар!..

Тинчлик қўрғони

Қардошлик қабристонидаги ўйлар

Бунда инграб ётар мунғайган осмон,
Бунда еллар кезар саргардон, ғариб.
Қабрлар қайғунинг хайкалисимон
Заминнинг кўксига ётар қадалиб...

Тупроққа айланган бунда инсонлар,
Тупроққа айланган бахтлар, орзулар.
Бу ерда Ватан деб жангга кирганлар
Ортида қолмишдир фарёд, ёҳулар.

Уларнинг ҳаёти энди мангулик,
Муқаддас руҳларин шод этар Ватан.
Йўқ, улар ўлганмас, тирикдир, тирик,
Нур бўлиб яралган улар қайтадан.

Уларнинг қабрига арзийди гуллар,
Арзийди соғинчлар, меҳрлар бари...
Ер шарин қучоқлаб ётишар улар –
Тинчлик қўрғонининг пойдеворлари.

Хотира хиёбонида

Окшом тинч. Осмон жим.
Ёнар юлдузлар,
Она Ер бағридан таралгай бир сас:
"Ўтганларни бир зум эсланг, азизлар,
Инсон хотираси азиз, муқаддас!"

Мотамсаро она турар бош эгиб,
Оғир жудоликнинг излаб чорасин,
У ҳамон кутгайдир ғамгин ёш тўкиб,
Урушдан қайтмаган жигарпорасин.

Унга юпанч бўлар фақат бир туйғу:
Жигарим, сен ҳамон юраклардасан.
Сен ўлган эмассан, тириксан мангу,
Тонг каби мунаввар тилаклардасан.

Ўтиб борар неча йиллар, асрлар,
Эзгулик йўлидан қайтмагай башар.
Элим деб, юртим деб, жондан кечганлар
Халқим юрагида абадий яшар.

Отамдан мерос...

Ҳар гал борсам қишлоққа
Қалбим соғинч тирноқлаб,
Пешвоз чиқар йўлимга
Отам каби ардоқлаб —
Қадрдон боғ, гулбоғлар,
Ялпиз бўйли чорбоғлар,
Кел, деб димоғим чоғлар,
Отамдан мерос боғлар.

Чайқалиб мисли денгиз
Яшил новда, япроқлар,
Орзиқиб ётар менсиз
Эзиб бағрин фироқлар.
О, бунча қадрдонсиз,
Чаросдай тим қароқлар.
Қалб дардига дармонсиз,
Отамдан мерос боғлар.

Майин эсган шаббода,
Толлар сочин тароқлаб,
Хотира дафтаримни
Секин-аста варақлар.
Мендан отажонимнинг
Қайдалигин сўроқлаб,
Юрак-бағримни доғлар
Отамдан мерос боғлар.

Энди отам йўқ, лекин,
Мева бермоқда боғлар,
Ҳаётда менга сабру
Тўзим бермоқда боғлар,
Шеърга лаб очсам, ширин
Сўзим бермоқда боғлар.
Асли бу шўх алёрлар
Отамдан мерос боғлар.

Балки мен ҳам ўтарман
Бир кун кекса, чол бўлиб,
Бош эгиб қолар боғлар
Қоматлари дол бўлиб,
Лек, меҳру садоқатдан
Сўнмас бир тимсол бўлиб,
Мендан боламга қолгай,
Отамдан мерос боғлар.

Ғулом ЭГАМШУКУР

ОРЗУ ЎЛГУНЧА ЎЛМАС

Отамга

Ҳайкал қўйдим сизга, мен, ота!
Ҳузуримга ошиқиб келган –
субҳи саболардан,
хуш наволардан,
Тунлар бедор туриб
ютган оҳимдан,
Битилмаган дил баётимдан –
Ҳайкал қўйдим сизга мен, ота!
Фаришталар қўлимга тутган
Муҳаббатнинг соф шаробидан,
Умримнинг ўқилган
ва ўқилмаган
Мунгли ва ҳайратли
қалб китобидан
Ҳайкал қўйдим сизга мен, ота!
Ҳеч ким айтолмаган мендайин
Дилга муҳрланган
ашъор – байтимдан
Кўнгил қайди – сўз оҳоридан –
Ҳайкал қўйдим сизга мен, ота!
Аллоҳ севган, онам суйган,
меҳр қўйган...
Оҳ , муҳаббат меваси – ўзим!
Қувонч, ғам қоришиқ
кўз сиёҳидан
Аллоҳнинг макони –
қалб меҳробида
Ҳайкал қўйдим сизга мен, ота!

* * *

Суман қомат суманбар,
Ўзингдан бергил хабар.
Билмайсан дилда оҳим,
Бўла қолгил ҳамроҳим.

Зулфи сумансой ўзинг,
Маст қилар жоду кўзинг.
Ошиқлари бисёрсан,
Айта қол, кимга ёрсан?

Сен-ку ерлик эмассан,
Кўкдан тушдим, демассан.
Фаришта сан ё малак?
Сени деб жоним ҳалак.

Хаёлни ушлаб бўлмас,
Орзу ўлгунча ўлмас.
Сени севиб кўп куйдим,
Охир тушимга йўйдим.

Суман қомат суманбар,
Ўзингдан бергил хабар.
Билмайсан дилда оҳим,
Бўла қолгил ҳамроҳим.

* * *

Шоҳсанамга

Дедим, сени мадҳ этай,
Кўҳлик санам, оҳ, санам.
Дедим сенга шеър битай,
Шоири кўп Шоҳсанам.

Ишва-макринг ўлдирди,
Кўрдим, бўлдим девона.
Ғамдан қувонч ундирди,
Жилваларинг ягона.

Айт, каромат не даркор,
Дилни маҳв этган санам,
Ки зор муҳаббат инкор,
Юракда бўзлар гинам.

Сен – мўъжиза Аллоҳдан,
Куйлагувчи, ёқувчи.
Туғилгансан ё "оҳ" дан,
Армонни чорлагувчи!

Дедим, сени мадҳ этай,
Кўҳлик санам, оҳ санам!
Дедим сенга шеър битай,
Шоири кўп Шоҳсанам.

* * *

Яна қалқди бошимда япроқ,
Сўнг йиқилди оёқ – пойимга!



Вужудимда уйғонди титроқ,
Куз кулгандек бўлди ҳолимга.
Аччиқ шамолларни келтирди
Қисматимнинг йиғлоқ осмони.
Қовжираган сўник излардан
Жим-жит ўтди йиллар армони.
Китобимни босдим бағримга,
Заъфарон боғларда гангидим.
Маъюс ашъор бўлиб ўқилдим,
Кеч кузакда баргдек тўкилдим.
Ҳузуримга келдинг роз айтиб
Ва умримдек хўрсиндинг узоқ.
Хазонларга оёқ босиб жим,
Дединг: "Бундан кетайлик тезроқ!.."

* * *

Дилсўз – асрор, дилимдаги сўз,
Ийманади бир сўз айтолмай.
Тилим бийрон, эргашади кўз,
Қийноқда руҳ ортга қайтолмай.

Кўксимдаги хазина – дилсўз!
Муҳаббатнинг ширин каломи.
Дилсўз – ҳали айтилмаган сўз!
Дил султонин махфий саломи.

Дилнинг оҳи, юрак сўроғи,
Дилсўз асли юрак илҳоми!
Хотирамнинг оппоқ вараги,
Шеър битмаган шоир Ғуломи.

Асрор СУЛАЙМОНОВ



ХИКОЯ

Эргаш ота уйга етиб келганида тонг ёришганди. Қўлидаги керосин лампани айвоннинг бир бурчагига қўйди. Оёғидаги нам тортган этигини ечди. Устидаги сариқ тусдаги кители ҳам хийла оғирлашгандек. Қирғоққа зарб билан урилаётган тўлқинлардан ҳосил бўлган лойқа сув устки кийимларини ҳам тўйинтирган. У бир оз ором олиш илинжида айвон тўсинига аста суянди. Туни билан тик оёқда юргани учун кафтлари зирқирар, тиззалари ўзига бўйсунмасди. Кўзи юмилиб уйқуга кетди. Қизи нонушта тайёрлигини айтгани келди-ю, отасининг ажин тушган юзларига тикилиб, кўзига ёш қалқди.

Ота аёлидан айрилганда фарзандлари анча ёш эди. Уларни ўйлаб, онасининг ўрнини билдирмасликка уринди. Ажинлар ана шу изтиробли кунлар изи. Ота кўзини очдию нигоҳи қаршисида турган қизига тушди.

— Нонушта тайёрлагандим, — деди қизи аста кўз ёшларини артиб.

— Ҳозир, бир оз чарчабман, шекилли, — деди, сўнг яна чарчоқ зўр келди чоғи, кўзини юмди. Шу ўтирганча қанча вақт ўтди билмади.

Дарвозани кимдир тақиллатди. Эргаш ота базўр ўрнидан турди, эшик томон оёқяланг бораркан товонлари зўриққанидан тарсиллаб ёрилгудек бўлди.

— Эргаш ота, сизни идорага чақиришяпти, йиғилиш бўлар экан.

— Қанақа йиғилиш?..

— Билмадим, тез келсин дейишди.

У қизи тайёрлаган нонуштани шоша-пиша тановвул қилди-да, идора томон йўл олди. Идорада одам гавжум. Раис сўз бошлади:

— Ҳамқишлоқлар, яхши биласизлар, бу йил баҳор серёғин келди. Ёнгинамиздан оқиб ўтган дарё ўзанига сиғмай қолди. Куни кеча дарё ёқасига бордим. Окаётган сувнинг ваҳмидан юрагим ортга тортди. Сув юзида бешик ҳам, чорва моллари ҳам, кўрпа-тўшак, қўйинг-чи, ҳамма нарса қалқиб келяпти. Дарёнинг қуйи томонида жасад ҳам топилган. Бу тўфон дегани ҳали анча одамнинг ёстиғини қуритадиган кўринади. Эртадан бошлаб қишлоқ аҳлининг қўлидан иш келадиганлари дарё қирғоғини мустаҳкамлашга чиқиши керак. Акс ҳолда, қишлоғимиз анча талафот кўради. Бизга бошқа биров келиб бу офатни бартараф этиб бермайди.

Бирдан ғала-ғовур бошланди. Ҳамма кўрқувда. Кимдир ундай қилиш керак деса, яна кимдир бўлмайди, мана бундай қилиш керак, деб бор овози билан ҳаммани ўзига қаратади.

— Нима бўлганда ҳам бамаслаҳат иш қилганимиз яхши, — сўзида давом этди раис. — Бу борада Эргаш отанинг тажрибаси катта. Улар ҳамма ишга бош бўладилар. Гуруҳ-гурухга бўлиниб, ёнма-ён бир-биримизга кўз-қулоқ бўлиб ишлашимиз лозим. Сув ҳар сонияда кучайиб турибди. Кўнгилсиз воқеадан сергак туришимиз керак. Унинг устига кунда-кунора ёғингарчилик, адоғи кўринмайди.

Эртасига билагида кучи бор ўспирин ёшлар дарё ёқасига етиб келишди. Дарё соат сайин қирғоқларни емириб борарди. Одамлар қўлига илинган нарсани олиб сувнинг йўлини ўзгартиш учун ташлашди. Ён атрофдаги дарахтларнинг шох-шаббалари, қамиш, чим-ўтлар, катта-катта харсанг тошлар, хонадонлардан чиққан кўрпа-тўшаклар сувнинг йўлига шиббалаб босилди. Бироқ барчаси бесамар кетди. Кучли тўлқинга дуч келган тўсиқлар зум ўтмай сувга ғарқ бўлди. Одамлар анча ҳолдан тойди.

— Эргаш ота, сувнинг дамини қайтариш учун бирор чора топиш керак, — деди сувнинг йўлига шох-шабба босаётганлардан бири. — Кексалардан эшитгандим, бундай пайтда бирор етимни сувнинг дамига босиб юборишар экан. Шунда пишкираётган дарёнинг шашти сусаяркан. Бу иримми ёки бор гапми билмадим-у, ҳар қалай, нафи бўларкан. Балким, шундай қилармиз?

— Эсинг жойидами, гап деб ҳар нарсани валдирайверасанми? Бировнинг уволига қолмагин, яна. Нима, етим одаммасми? Унинг устига қаердан топасан? — деди ота.

— Анови шохни судраб келаётган йигитнинг ҳеч кими йўқ деб эшитгандим. Бир қурбон эвазига бутун қишлоқ омон қолармиди...

— Бўлмағур гапларни қўйинглар, — деди ота. — Шусиз ҳам бирор йўли топилиб қолар.

Ҳамма бир-бирига қаради. Кимдир ўзича бу фикрни тасдиқлагандек ҳам бўлди.

Эргаш ота шомдан кейин Наржоннинг уйига борди. Йигит дарвозани очди.

— Ҳа, ота, келинг, уйга киринг...

— Назиржон болам, насиб қилса тўйларда, албатта, кирамиз. Ҳозир, биласанми, сенга бир гапни айтгани келдим.

— Отахон, эртагами, бораман, албатта...

— Шошмай тур, болам. Эртага саҳарда меникига ўт. Дарё ёқасига олиб борадиган нарсаларимиз бор. Ёрдамлашиб юборасан.

— Хўп бўлади...

Эргаш ота тонгтача дарахт новдаларини бир-бирига боғлаб, сепоя тўқиди. Тонгда Назиржон келганда ҳам ота ҳали ишини тугатмаган эди.

— Кел, болам, яхши бўлди келганинг. Аравани қўш, сўнг мана буларни ортавер.

— Ота, булар нима?

— Бу-ми, сепоя. Ишимиз ўнгидан келса, ҳали кўп иш беради.

Улар тўқиб тайёрланган сепояларни от-уловга ортиб йўлга тушдилар.

— Гап бундай, — деди ота йўл-йўлакай, — сен қирғоққа жуда яқин бормайсан. Сағал чеккароқ юрасан. Мана шуларни тушириб, яна тайёрларини етказиб турасан. Қолгани билан ишинг бўлмасин.

У ерда иш қизғин. Лекин сув ҳали ҳамон қирғоқларни емириб пишқирганча ҳар қандай тўсиққа бўй бермасди. Қишлоқ аҳли от-улов томон келди. Ҳамма бир-бирига қаради.

— Ота, нима бу, нима қиламиз?

— Буми, бу сепоя. Нима қилишни ўзим кўрсатаман.

Ота сепоядан бирини олди-да, емирилаётган қирғоққа маҳкамлаб босди. Ёнига яна, кейин яна. Хуллас, бирин-кетин уларни бир-бирига тортиб боғлади.

— Энди қўлингизга нима тушса олиб келинглар, ҳаммасини шунга зичлаб босамиз.

Ёшу қари Эргаш ота билан елкадош бўлиб, қўлларига нимаики илинса, сепояга шиббалаб босдилар. Осмонни қуюқ булут қоплади. Бирдан кучли ёмғир бошланди. Шамол билан баттар кучайди. Сув юзига тушаётган ёмғир томчилари дарё тошқинини баттар кучайтирди. Одамларнинг хавотири янада ошди. Лекин улар тиним билмай жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилишарди.

— Назиржон, бўлакол болам, сепоядан узат, — деди ёши катталардан бири. Беш-олтита сепояни олиб қирғоқ томонга илдам бораётган Назиржонни кўрган Эргаш ота унинг йўлига чиқди.

— Қўлингдагиларни менга бер, сен шох-шабба келтир.

Ёмғир ҳам, шамол ҳам кучайгандан кучайди. Ҳамма ёқни зулмат босди.

— Ота, уриниб қоласиз, Назир ҳам олиб келаверсин.

— Мана, сепояни олинглар, Назиржон, сен нарироқ тур, қирғоққа яқин борма.

Эргаш ота Назиржонни бир четга туртиб юборди. Отанинг бу ҳаракатидан ҳамма ҳайрон бўлди.

— Энди кўпроқ сепоядан керак. Мана шу бизни хавфдан саклайди. Дарахтнинг бақувват новдаларидан олиб келинглар. Уларни мана шундай қилиб, сувнинг йўлига бирин-кетин жойлаштирамиз. Кейин чим, харсангтош, шох-шабба, хуллас, нима топсангиз, шиббалаб босаверамиз...

Кўкда қуёш кўринмай қолганига ҳам салкам ўн кун бўлди. Ҳар кун хавотир, ҳар кун таҳликали. Бунинг адоғи бормикан? Бугунги кун ҳам ўтди. Эртага сувнинг наъраси яна кучаядиган кўринади. Осмон ёришай демайди. Зулмат одамларни чарчатиб юборди. Мироб деган номингиз бор, бирор чорасини топинг-да, дейишади. Бу офатга Яратганнинг ўзи чора топмаса, бандасининг қўлидан ҳеч нима келмайди. Ҳа, майли эртага ҳам бир куч берайлик, зора сувнинг босими камайса. Нима бўлганда ҳам Назир дарё ёқасидан йироқда бўлишини ўйлашим керак. Оламонга ишониб бўлмайди. Фалокат бўлиб...

Ота шуларни хаёлидан ўтказиб, Назирни олдига чақирди.

— Назиржон, эртага ҳашарчиларни кўпайтирамиз, сен аёлларга қарашасан.

— Нега мен, ахир...

— Гапни бўлма, уларга ош-овқат учун ўтин тайёрлаш керак. Уларга ҳам сендек чапдаст йигитлар керак. Бугунги ишинг анча яхши бўлди. Сен қаерда бўлсанг ҳам ёрдаминг тегяпти, тушундингми...

Эртаси куни ота от-уловни қўшиб, сепояларни ортиб дарё ёқасига йўл олди. Кўнгли бир оз хотиржам бўлди.

— Барака топгур, яхши бола, гапга кўнадиган йигит, — ўйлади ота.

Қишлоқ аҳли отага пешвоз чиқишди. От-уловдан сепояларни туширириб қирғоқ томон юришди. Кучли шамол ҳамда ёғаётган ёмғир энди уларнинг қаддини буколмасди. Кўпчиликнинг ҳаракати эвазига сувнинг йўли ўзгарди. Кечга томон пишқириб оқаётган дарё ортга чекинди. Бундан руҳланган одамлар тун алламаҳал бўлишига қарамай, ишни давом эттиришди. Қирғоқлар тўлқин зарбини қайтара бошлади. Ҳашарчилар бирин-кетин уйларига тарқалишди. Дарёнинг беш-олти чақирим наридан эшитилаётган шовқини анча пасайди. Кўпчиликнинг кўнгли хотиржам.

Эргаш ота дарё ёқасида сўнггги ҳамқишлоғи кетгунига қадар ўйноқлаб оқаётган сувни кузатиб ўтирди. Сув юзасидаги ойнинг аксига термулиб хаёлидан кўп нарсалар ўтди: "Йигитлар яхши ишлашди. Улар бор экан, юкинг ерда қолмайди. Ҳаммаси ҳам оиласи бахтига омон бўлсин. Сув билан тиллашиш керак-да. Агар тиллаша олмасанг, ундан ёмони йўқ. Кексаларимиз топиб айтишган: қаловини топсанг, қор ёнади, деб. Яна бобомдан эшитгандим. Сувнинг кўзи кўр бўлади. Уни етакласанг, тоғга ҳам олиб чиқса бўлади, дер эдилар. Ҳақиқатан бор гап".

Эргаш ота узоқ ўтирди. Тонгга яқин уйга келди. Кўнгли анча тинч. Хавф бартараф этилди. Эртасига қишлоқдошлар орасида отанинг сепояси дув-дув гап бўлди.

Орадан бир куз, бир қиш ўтди. Бир куни раис Эргаш отани йўқлаб келди. Ичкарига кириб бир пиёла чой устида сепоя ҳақида гап кетди.

— Отахон, сизга алохида раҳмат. Бу сепоянгиз анча иш берди-да, ўшанда. Кўпни орасида жуда оммалашиб кетди. Ҳа, яна бир гапни айтмасам бўлмайди. Назиржонни уйлаяпмиз. Биласиз, бошида ҳеч кими йўқ. Кўплашиб тўйини ўтказмоқчимиз, ўзингиз дуо қиласиз.

— Шунақа денг, — отанинг чеҳраси бирдан ёришди. — Албатта, борамиз, тўй бўладию биз бормасак, ким борсин. Биздан нима ёрдам керак бўлса, тортинмай айтаверасиз. Оллоҳим бахтини берсин, қўша қарисин. Яратган эгам бир этак болага эга қилсин. Улар элнинг корига ярасин, зорлик, хорлик кўрмасин.

Эргаш ота ичкарига кириб эшикни аста ёпди.

ГУЛ СОЧАР ЕЛ БОҒ АРО...

ДИЛЛАР ТАЛПИНГАН ШАҲАР

Боку. Озарбайжон Республикасининг пойтахти. Кавказдаги энг катта шаҳар. Каспий – Ҳазар денгизининг энг йирик порти. Улкан маданият, саноат, иқтисод ва илмий тадқиқотлар маркази.

Ўзида тарихий ва замонавий руҳни мужассамлаштирган файзли пойтахтлар қаторида Бокуда ҳам ҳазрат Алишер Навоийнинг улуғвор ҳайкали қад кўтарган бўлиб, бу шаҳар нафақат маъмурий, балки адабий-ижодий бошкентлардан бири саналади. Ғарбу Шарқнинг машҳур ёзувчию шоирлари бу афсонавий шаҳарга талпинганлари, бу ерда гўзал бадиий асарлар яратганлари бежиз эмас.

Шу йил февраль ойининг учинчи ўн кунлигида, бутун дунё бўйлаб навоийхонликлар қизғин давом этаётган бир паллада Боку шаҳрида ташкил этилган Алишер Навоий мероси тадқиқига бағишланган илмий анжуман доирасидаги тадбирларда иштирок этиш учун биз – ўзбекистонлик бир гуруҳ зиёлилар Озарбайжон пойтахтига йўл олдик.

ЮКСАКЛАРГА ЧОРЛАР НАВОИЙ

Сафарнинг қандай кечиши, шубҳасиз, йўлга ким билан чиққанингга, ҳамроҳларингга боғлиқ. Бизнинг сафаримизни, ҳеч иккиланмасдан, маърифий сафар бўлди, дейиш мумкин. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, филология фанлари доктори Шухрат Сирожиддинов, филология фанлари докторлари Бокижон Тўхлиев, Нурбой Жабборов ва филология фанлари бўйича фалсафа доктори Олимжон Давлатовнинг нафақат анжуман чоғида, балки йўл бўйи турли мавзуларда ўртага ташлаган қимматли фикр-мулоҳазаларини тинглаш жуда мароқли бўлди.

Жойлашган меҳмонхонамиз шаҳарнинг қуйи тарафида, шундоққина Каспий денгизи соҳилида бўлиб, азим Бокунинг бор салобати кўз ўнгимизда намоён бўлиб турарди. Эрталаб Алишер Навоий ҳайкали пойида ташкил этилаётган тантанали маросимга йўл оларканмиз, автоуловимиз тобора шаҳарнинг юксак қисми сари ўрлаб бораётганини кўрдик. Шу пайт Нурбой ака эсда қоларли сўз айтди: "Навоийга етиб бориш учун киши ҳам жисман, ҳам маънан юксалиши шарт!"

Манзилга етганимизда Озодлик шоҳкўчаси ва Нажаф Нариманов кўчаси кесишмасида жойлашган, байрамона безатилган хиёбонга кириб борарканмиз, нигоҳимиз ўзимизга жуда таниш ва қадрдон бўлган нуроний сиймога тушди – Навоий бобомиз гўё бизга қараб: "Хуш келдинглар, азиз дилбандларим!" деб тургандек эди.

Хиёбонда озарбайжонлик адиблар, олимлар, талаба ёшлар, шунингдек, Ўзбекистон ва бошқа кардош мамлакатларнинг Озарбайжондаги элчихоналари вакиллари, бир сўз билан айтганда, Алишер Навоий ижоди ихлосмандлари тўпланган эди. Кун бироз салқин бўлишига қарамасдан, хаммамизни қайноқ ҳиссиётлар – дунёнинг энг буюк шоирларидан бири сифатида эъзозланувчи муҳтарам зотга бўлган меҳр ришталари боғлаб турган юз-кўзлардан аён эди.

Навоий ҳайкали теграсида ҳилпираб турган Ўзбекистон ва Озарбайжон Республикаларининг давлат байроқларидаги бир-бирига яқин ранглар кўнглимиздаги уйғун туйғуларнинг инъикосидай эди гўё.

Маросимда Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Шерзод Файзиев, Озарбайжон Миллий илмлар академиясининг биринчи вице-президенти, Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институти директори Иса Ҳабибейли ва қамина сўзга чиқиб, Навоий ижодий меросининг бугунги кундаги аҳамияти, буюк шоирнинг барча халқларни, жумладан, туркий улусларни дўстлик байроғи остида бирлаштириш йўлидаги муҳим ўрни хусусида фикр юритдик. Тадбирда ўзбек ва озарбайжон ашулалари, жажжи қизалоқлар ижросидаги жозибали рақслар йиғилганларга завқ улашди. Маросим сўнгида Алишер Навоий ҳайкали атрофи гўзал гулдасталар, ранго-ранг гуллар билан безалганини кўриб, беихтиёр ҳазратнинг қуйидаги байти ёдимизга тушди:

Гул сочар ел боғ аро,
сарви равоним келдиму?
Жон иси гулдин келур,
ороми жоним келдиму?

ҲАЯЖОНГА БОЙ АНЖУМАН

Ёрқин таассуротлар билан Озарбайжон Миллий илмлар академиясига қарашли Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институтига йўл олдик. Анжуман аввалида бу ерда Алишер Навоий меросини тадқиқ этувчи илмий марказ очилди. Бу қутлуғ даргоҳга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан чоп этилган юздан зиёд ўзбек адабиёти, хусусан, Навоий ижодига оид китобларни тақдим қилдик.

"Алишер Навоий адабий ва илмий меросининг ўрганилиши" деб номланган халқаро илмий конференцияга озарбайжонлик дўстларимизнинг жиддий тайёргарлик кўргани шундоқ сезилиб турарди. Анжуман ўзига хос "сюрприз" – қутилмаган туҳфа билан бошланди: навоийшунос олим, филология фанлари доктори Шухрат Сирожиддиновга Низомий Ганжавий номидаги тил ва адабиёт институтининг фахрий доктори унвони гувоҳномаси топширилди. Юртдошимизга кўрсатилган бундай эҳтиромдан бошимиз кўкка етди. Бу эътирофни нафақат Шухрат акага, балки ўзбек адабий-илмий жамоатчилигига кўрсатилган юксак ва самимий ҳурмат сифатида қабул қилдик.

Ўз навбатида бизнинг ҳам озарбайжонлик дўстларимизга аталган ўзига хос совғамиз бор эди. Аввало, мезбонлик таомилини қойилмаком қилиб уддалаган Иса оғанинг эгнига ўзбекона тўн ёпдик. Шунингдек, кўп йиллардан буён ўзбек адабиётини, хусусан, Навоий ижодини кенг тарғиб қилиб келаётган фидойи олиму адиблар – Акиф Бағиров ва Алмаз Улви Биннатовага Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг фахрий аъзолик гувоҳномаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг ташаккурномаси ҳамда эсдалик совғаларни топширдик.

Эгниларидаги миллий либосларимиз боис янада ўзбеклашган Акиф оға ва Алмаз Улви хоним ўз миннатдорликларини баён қилиб, ўзбек ва озарбайжон халқларининг дўстликларини мустаҳкамлашда бундан буён ҳам толмай меҳнат қилишларини билдирдилар. Айниқса, она тилимизда соф ва равон гапирган Акиф оға Бағиров ўзининг ўзбек тилида ёзилган "Ўзбек келаяпти" номли манзумасини ёддан ўқиб берганида анжуманлар залинию бизнинг борлиғимизни ҳайрат, мамнуният, миннатдорлик туйғулари қамраб олди. Ўн дақиқача ўқилган ушбу манзумада (аслида "достон" деса ҳам бўлар экан) ўзбек халқининг шонли тарихи ва бугунги шижоати бадиий талқин этилган бўлиб, агар муаллифини билмасак эдик, шубҳасиз, уни ўз миллатдошимиз ёзган, деб ўйлар эдик. Асардаги ёниқ меҳр, самимий муҳаббат шеърхонни шундай ҳулосага олиб келади.

Бундай самимият ва ҳурмат ҳисси конференцияда чиқиш қилган ҳар бир озарбайжонлик олимнинг сўзларида яққол сезилиб турди. Жумладан, Озарбайжон миллий илмлар академиясининг биринчи вице-президенти, Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институти директори Иса Ҳабибейли, Фузулий номидаги қўлёзмалар институти директори, академик Темур Каримли, Насимий номидаги Тилшунослик институти директори, академик Муҳсин Нағисўйли, филология фанлари докторлари Алмаз Улви Биннатова ва Рамиз Аскар, адабий тадқиқотчилар Илҳома Султонова, Санубар Самадова Навоий ижодининг бемисл қирралари ҳақида тўлиб-тошиб, фахр-ифтихор билан гапираркан, бир ҳақиқат қайта-қайта тилга олинди: "Алишер Навоий – ўзбек халқининг буюк фарзанди, шунингдек, барча туркий халқларнинг умумий ифтихоридир. Негаким, Навоий туркий тилда ижод қилган шоирлар орасида энг улуғидир. Унинг ижоди бизларни маънан бирлаштириб, ягона маслак атрофида жипслаштиради".

Ўзбекистонлик мутахассисларнинг анжумандаги чиқишлари мезбонларда чуқур таассурот қолдирганини батафсил баён қилмасак ҳам бўлади, деб ўйлаймиз. Кўргазмали қуроллар ва слайдлар билан борган ҳурматли олимларимизнинг Навоий адабий ва илмий мероси ҳақидаги ёниқ сўзлари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Ўзбек, озарбайжон тилларида иш олиб борган конференция давомида ҳамма бир-бирини осон, қийналмасдан тушунди: бир-биримизни англашимиз учун бизга тилмоч ёки учинчи тил керак эмас, деган хулоса қатъийлашди.

Тушдан сўнг Озарбайжон Миллий илмлар академиясининг бой кутубхонасига бордик. Бу ерда китобхонлар учун яратилган шинам шароит, турли ноёб адабиётлар билан танишиб, кўзимиз қувнади. Айниқса, тадқиқот мавзулари учун керакли адабиётларга дуч келган муҳтарам олимларимизнинг бу ердан кетгиси келмасди.

АНОР МУАЛЛИМ САБОҚЛАРИ

Биз бошқа ҳамроҳларимизни кутубхона билан юзма-юз қолдириб, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг адабиётшунослик ва адабий танқид кенгаши раиси Нурбой Жабборов ҳамда Алмаз Улви хоним билан биргаликда Озарбайжон Ёзувчилар уюшмасига отландик. Бизни илиқ қарши олган атоқли адиб, Озарбайжон Ёзувчилар бирлиги раиси Анор муаллим билан ўзбек ва озарбайжон адабий алоқаларининг бугунги ҳолати, келажакда бирга қилинадиган ишлар бўйича ўзаро фикр алмашдик.

Сўз орасида устоз Анор сўнгги йилларда Ўзбекистонга қилган ижодий сафарларидан олган таассуротлари ҳақида гапираркан, "Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни жуда ҳурмат қиламан. У адабиётни яхши кўрадиган, адабиёт аҳлини эъзозлайдиган давлат раҳбари" деди. Биз у кишининг фикрини тўлдириш маъносида бугун Ўзбекистонда адабиёт ривожига берилаётган юксак эътиборга оид ҳаётий мисолларни келтирдик. Ҳаётда кўпни кўрган, бугунги кунда нафақат Озарбайжон адабиётининг, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, туркий адабиётнинг кўрки бўлиб турган адиб, барчасидан хабарим бор, дегандай бош иргаб, жилмайиб қўйди.

Устоз Анорнинг ишхонаси ўзига хос музейни эслатар экан. Бу ерда турли буюк шахсларнинг ҳайкалчаларию тасвирлари, Озарбайжон Ёзувчилар уюшмасини шу пайтга қадар бошқарган ижодкорларнинг фотосуратлари, турли тадбирларда туҳфа қилинган қимматли совғалар жой олган. Анор муаллимнинг ортида тоғдай бўлиб Низомий Ганжавийнинг гиламга солинган маҳобатли тасвири турибди.

Биз лутф қилиб: "Шунча буюклар йиғилган жойда ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳам тасвири бўлса, мантиқан тўғри бўлади", дедик ва уста ҳунармандларимиз томонидан маҳорат билан тайёрланган, марказий қисмига Навоий сиймоси туширилган эсдалик совғамизни мезбонга тақдим қилдик. Туҳфамизни алоҳида меҳр билан қабул қилган Анор муаллим ўрнидан қўзғалиб, унга муносиб жой очди ва Навоий тасвирини энг кўринарли жойга қўйди. Устоз Анор билан хайрлашарканмиз, буюклар каҳкашонида муносиб ўрин эгаллаган Навоий ҳазратлари ҳам ортимиздан оқ йўл тилаб, кузатиб қўйгандай бўлди.

ТАБАРРУК БИТИКЛАР ХАЗИНАСИ

Эртаси шанба – дам олиш куни бўлишига қарамасдан, бизнинг кўнглимизга қараб, Фузулий номидаги қўлёзмалар институти ходимлари ишга чиқдилар. Институт директори, академик Темур Каримли бошчилигидаги мутахассислар бизни институт бисотидаги энг нодир қўлёзмалар билан таништира бошлади. Бу ерда сақланаётган қўлёзмалар, эски асарларни таъмирлаш услублари ва бошқа илмий масалалар бўйича икки халқ олимлари ўзаро фикр, тажриба алмашдилар. Ниҳоят, биз интиқлик билан кутган ҳаяжонли лаҳзалар бошланди – институт ходимлари олдимизга ҳазрат Алишер Навоий асарларининг ноёб нусхаларини олиб келиб қўйишди. Сувга ташна йўловчилардай ҳаммамиз китоблар томон ёприлдик. Навоийшунослар қўлёзмаларнинг қайси асрда, ким томонидан кўчирилгани, уларда Навоийнинг қайси асарлари жам бўлгани, бу нусхаларнинг бошқа қўлёзмалардан фарқи хусусида тик турганча мубоҳаса қила бошладилар. Ҳаммамиз бу табаррук китобларни бирма-бир қўлимизга олиб, уларни кўчирган, тайёрлаган ва шу кунларгача бешикаст етказган кишиларнинг ҳақига ғойибона дуо қилдик. Қўлёзмалар ичида бир ғаройиб девон ҳам бор эдики, унинг ярми Навоий, ярми Фузулий ғазалларидан иборат экан. Бунда ҳам ўзига хос ҳикмат кўрдик: дилию тили бир бўлган икки халқнинг улуғ шоирлари асарлари бир жилд ичида туриши, ўқувчилар томонидан бирдай севиб ўқилиши – бу руҳий яқинликнинг ёрқин исботидир.

ЎЗБЕКОНА СОҒИНЧ

Тадбирлар давомида бизга доимий ҳамроҳлик қилган олимлар Акиф Бағиров ва Яшар Қосимбейли ҳақида алоҳида тўхталиш зарур, деб ўйлаймиз. Талабалик чоғида Ўзбекистонга келган, она юртимизда умрининг энг ўтли, бетакрор дамларини ўтказган бу икки олим билан суҳбатлашарканмиз, шоирона тил билан айтганда, уларнинг юраклари ҳануз ўзбекча уриб турганини ҳис қилдик. Улар Ўзбекистон ҳақида, ўзбеклар тўғрисида, эски қадрдонлари хусусида меҳр билан сўзладилар. Жумладан, Яшар оға шундай деди: "Менинг ҳиссиётларимни озарбайжон тили тўла ифодалай олмайди. Чунки озарбайжон тилида "соғинч" сўзининг аниқ, тўла маъносини берадиган сўз йўқ. Мен Ўзбекистонни, у ердаги дўстларимни жуда соғинганман. Тошкентнинг лаҳмони, сомсасини ҳалигача қўмсайман... Бугун Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришларни мамнуният билан кузатиб бораяпмиз. Президентингиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсатни фақат сиз эмас, биз ҳам қўллаб-қувватлаймиз..."

Мен бу ерда Яшар оға айтган сўзларини келтиряпман-у, аммо бу сўзлар замиридаги эҳтиросу эҳтиромни, соғинчу ҳайратни, яна аллақандай, юракнинг туб-тубидан чиқиб, теран кўзларида балқиб турган ҳиссиётларни тўла етказиб бера олмаяпман, албатта. Умуман олганда, шундай ҳиссиётлар бўладики, чиндан ҳам ифодалашга тил ожиздай туюлади, гоҳо эса биргина муносиб, керакли сўзни тополмай қийналасан киши.

"БАЛЕ"

Ўзаро суҳбатларимиздан бирида Шухрат ака: "Эътибор қилдингизми, озарбайжонлар телефонда гаплашаётганда "алло" сўзининг ўрнига кўпроқ "бале" сўзини ишлатар экан, биз ҳам бу ҳақда ўйлаб кўрсак бўларкан", деб қолди. Мен ҳам бунга эътибор қилгандим. Яна Боку кўчаларидаги ёзувларнинг деярли барчаси лотин ёзувида, озарбайжон тилида ёзилганини ҳам илғаган эдик, албатта. Бугунги кунда бизнинг мамлакатимизда ҳам она тилимиз ривожига катта эътибор қаратилаётган бир пайтда биз зиёлилар бу борада бошқаларга ўрнак бўлишимиз лозим, дедик бир овоздан. Сафарнинг сўнгги куни аэропортга жўнайдиган вақтимиз бўлганини билдириш учун Шухрат ака турган хона рақамини тердим. "Алло" деган мурожаатимга гўшақдан: "Бале" деган жавоб келди. Иккимиз ҳам қулиб юбордик. Қулгимиз беғубор ва маъноли эди.

Албатта, шу ўринда Боку шаҳрида ташкил этилган илмий-адабий тадбирларнинг юксак савияда ўтишига хизмат қилган муҳим бир омилни алоҳида таъкидлаш зарур. Бу ҳам бўлса – Ўзбекистоннинг Озарбайжон Республикасидаги элчихонаси ходимларининг жонбозлиги, ватанпарварлигидир. Муҳтарам элчимиз Шерзод Файзиев раҳбарлигида элчихонамизнинг барча ходимлари тадбирларни уюштиришда фаол қатнашдилар, ёнимизда туриб қимматли маслаҳатларини, ёрдамларини аямадилар. Озарбайжонлик зиёлилар ҳам элчихонамиз ходимларининг жонкуярлиги, фидойилигини миннатдорлик билан тилга олгани бизни мамнун қилди.

"КЕМА ЙЎЛ БОНГИН ЧОЛУР..."

Сафар муддати тугаб, Каспий соҳилини кезарканмиз, хаёлимизга ҳазрат Навоийнинг машҳур байти келди: "Айрилиқ они яқиндир, кема йўл бонгин чолур...". Албатта, бу – Озарбайжон заминида топган дўстларимиз билан хайрлашиш асносидаги оний ҳиссиёт эди, холос. Негаки, бизнинг сув эмас, ҳаво кемаси – учоқда қайтишимиз аниқ, қоларса, дўстлар билан айрилиғимиз муваққат бўлиб, бундан буён тез-тез учрашиб туришни, ҳамкорликда турли анжуманлар ўтказишни келишиб олган эдик. Жумладан, озарбайжонлик олимларни шу йилнинг 12-14 апрель кунлари Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёт университетида бўлиб ўтадиган "Ўзбекистон – Озарбайжон: адабий алоқалар масалалари" мавзусидаги халқаро илмий анжуманга таклиф этдик.

Сафарномага нуқта қўймоқчи бўлаяпману жуда кўп муҳим гаплар, қизиқ ҳолатлар қоғозга тушмай қолаётганини англаб турибман. Балки қолган гапларни бошқа йўлдошларимиз ёки озарбайжонлик дўстларимиз ёзар, эҳтимол, улар вақти келиб бошқа шаклларда ўз ифодасини топар. Ҳар ҳолда, битта мақолага сиғмайдиган, ўзгача ёндашув ва ифодани талаб қиладиган ҳиссиёту таассуротларнинг борлиги ижодий сафаримизнинг самарали ўтганига далил бўлса, ажабмас...

Нодир ЖОНУЗОҚ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ижодий ишлар бўйича биринчи ўринбосари

ТЕРАН ТОМИРЛАР

АДАБИЁТНИ ДЕБ ЯШАБ ЎТДИ



Ёшинг ўтган сайин айрилиқни аён кўра бошлайсан. Ҳар гал дуч келганингда, унинг исмини ҳам, қиёфасини ҳам аниқ биласан. У гоҳ жигаринг, ё жондай дўстинг, ё олисдан бўлса ҳам, эъзозлаб юрган одаминг бўлиб чиқади. Сенинг ҳаётингнинг бир қисми улар билан кетаётганини сезиб ҳам турасан. Юрагингни бу беомонлик ўртайди. Йўқотиш ҳам ҳаётнинг ҳақиқати – аччиқ ҳақиқати эканлигини чидаб бўлмас ноиложлик ичида ҳис қиласан: "Ўлим – ҳақ, — дейсан ўзингга ўзинг. — Ахир, бу дунёдан кимлар ўтмаган!..". Аммо барибир тасалли топмайсан! Ахир, жигарингни сўнгги йўлга кузатаяпсан-да! Ахир, дўстингга видо айтиб турибсан-да!..

Мана, Азим Суюн ҳам бу ёруғ олам билан хайрлашди.

Азим менинг дўстим эди.

Мен негадир Азим бу ёруғ оламдан кетишини ҳеч ҳам тасаввур қилолмаганман..

Шу сабабданми, Азим Суюн вафот этганини эшитганимда бир зум карахтланиб қолдим. Томоғимга йиғи тиқилди. Биламан, ўлим эртами, кечми, ҳар бир одамнинг бошида бор. Аммо Азим... Чунки юришию туришидан дашту тоғларнинг кенгу мўллиги уфуриб турадиган бу шоирнинг феълу атворида шундай бир ҳаётбахшлик бор эдики, унинг теграсига ўлим ҳам яқинлашишга ҳайиқадигандай эди.

Энди эса хотиралар кўз олдимда айлангани-айланган. Азим билан қандай сурурли кунларни бошимиздан ўтказмадик. Давраларда биргаликда шеърлар ўқидик, баҳслашдик, адабиёт ишини ҳаётимиз деб билдик...

Ҳа, Азим ҳам ўзи билганча, кучи етганича фақат Адабиёт деб яшаб ўтган дўстларимдан. Унинг шеърларини кимдир қаердадир мақтаб қоладиган бўлса, мен ҳамиша хурсанд бўлганман. Ютуқлари тан олинганда қувонганман.

Азим ўттиздан зиёд китоб нашр қилдирди. Шеърлари хорижий тилларга таржима бўлди. Ҳофизлар унинг шеърларини куйга солиб ижро этишди.

Бундан икки йил аввал, Азим етмишга тўлганида, туғилган юртига тантана билан борганимиз ҳеч ёдимдан чиқмайди. Юртдошлари уни қандай фахру эъзоз билан кутиб олишганига ва бу тадбир катта тўйга айланганига ўзим гувоҳ бўлганман. Туғишганларидан қадр топиш бахти Азимга насиб этганидан барча елкадош дўстлар қанчалар қувонган эдик. Ўшанда бу хуш кунлар тугамайдигандай эди.

Аммо бугун бу дунё ўткинчи эканлигига яна бир бор иқрор бўлиб турибмиз...

Мен Азимнинг фарзандларига ва шоирнинг рафиқаси, эгачим Ойгулхонга сабр тилайман.

Азиз дўстимизнинг хотираси эса ҳамиша биз билан бўлади.

Усмон АЗИМ

ДРАМАТУРГИЯ ВА ҲАЁТ

Ўтган театр мавсуми ҳақида мулоҳазалар

Ўтган 2019 йил, боғбонлар тили билан айтганда, драматургия жанри бир қадар серҳосил келди: 156 та янги асар саҳналаштирилди.

Республикамиздаги қиркка яқин театрда улуғ ёзувчи Абдулла Қодирий ижодий маҳсули бўлмиш асарлар асосида 14 та спектакль саҳналаштирилди. Шунингдек, эътирофга лойиқ тарихий мавзудаги асарларга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, Сурхондарё театрида Убайдулло Уватов ва Ғиёс Шермуҳамедов асари асосида режиссёр Мансур Равшанов қўйган "Ҳаким Термизий" спектакли

ҳар жиҳатдан ўзбек театр санъатида воқеа дейишга арзигулик спектакль бўлди. Бу рўйхатга Наманган вилоят театрида Каримжон Йўлдошев саҳналаштирган "Амир Темур", Хоразм вилоят театрида саҳналаштирилган "Махтумқули", Миллий театрда саҳналаштирилган "Абай" спектаклларини ҳам киритиш мумкин.

Шу билан бирга, замонавий мавзудаги қатор пьесалар театрлар репертуаридан ўрин эгаллади. Ўзбек давлат драма театрида Шароф Бошбековнинг "Ер барибир айланаверади" пьесаси Олимжон Салимов томонидан саҳналаштирилди. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон давлат академик театрида Кенисбой Каримовнинг Ўзбекистон Қаҳрамони Алланиёз Ўтениёзов ҳаётига бағишланган "Саховат боғи", Фарғона вилоят театрида Комил Ҳамроевнинг "От минган аёл" (режиссёр Обид Абдуллаев), Сирдарё вилоят театрида Максим Каримовнинг қайта ишланган "Инсонликка номзод" (режиссёр Мансур Холиқов), Эркин Аъзамов асари асосида рус академик театрида "Одинокая лодка" (режиссёр Валижон Умаров), Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрида "Заминдан олис кетма" (Кўчқор Норқобил асари) ва яна бир нечта театрларда саҳналаштирилган спектакларда замон нафасини сезиш мумкин. Лекин саҳналаштирилган тарихий асарлар республикамиздаги қиркка яқин театр учун ниҳоятда кам. Бунинг сабаби шундаки, таниқли драматурглар билан бирга шу соҳада изланишлар олиб бораётган илм аҳлини кенгроқ жалб қилиш учун моддий имкониятлар чекланган.

Ўтган йили Нукус шаҳрида бўлиб ўтган "Сени куйлаймиз, замондош" Ўзбекистон театрлари кўрик-фестивали ташкилий томонлари билан иштирокчилар ва меҳмонларда яхши таассурот қолдирди. Фестивалга тақдим этилган спектакллар мавзу, талқин, рассомлик топилмалари, режиссёрлик ечимлари билан нафақат томошабинларни, ҳатто ҳайъат аъзоларини ҳам хушнуд этди, десам муболаға бўлмас. Эришилган ижобий ютуқлар ўзимизники.

Аммо республикадаги қиркка яқин театрдан фақат ўн битта театрда саҳналаштирилган спектакллар фестиваль учун танлаб олинган. Бунинг сабаби, театрларга тақдим этилган пьесаларнинг салмоғи ва бадиий сифати талаб даражасида эмаслигида, деб ўйлаймиз.

Ўтган мавсум давомида юртимиздаги ўнта давлат қўғирчоқ театри орасида Андижон, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Қашқадарё, Бухоро қўғирчоқ театрлари фаол ишлади. Режиссёр Шомурод Юсупов ёш драматург Шавкат Дўстмуҳаммад инсценировкаси асосида саҳналаштирган "Қодирий қулдирганда", Андижон вилоят қўғирчоқ театрининг "Шерюрак Бобур ҳақида қисса", Самарқанд вилоят давлат қўғирчоқ театрининг "Қулоқсиз хўтикча", Бухоро ва Қашқадарё вилоят қўғирчоқ театрида Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достони асосида Шомурод Юсупов саҳналаштирган "Қуш тили" қўғирчоқ пьесалари ғоявий юксаклиги, режиссура ва актёрлар ижросининг мувофиқлиги билан яхши таассурот қолдирди. Хоразм вилоят қўғирчоқ театрида саҳналаштирилган ёш драматург Муяссар Шодиеванинг "Қалдирғоч билан Майна" қўғирчоқ пьесаси ҳам оригиналлиги, мавзунинг янгилиги билан алоҳида эътиборга лойиқ.

Яна бир масала: 2020 йил театрлар олдига қўйилган талаблардан келиб чиқиб қарайдиган бўлсак, жиддий ўйлаб кўришга ундайдиган муаммолар мавжудлиги кўзга ташланади. Республикамизда 15та мусиқали давлат театри фаолият кўрсатиб келмоқда. Агар Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри ҳамда Ўзбекистон давлат мусиқали комедия (оперетта) театрларини мустасно қиладиган бўлсак, қолган мусиқали драма театрларида бир йилда бор-йўғи бешта мусиқали асар саҳналаштирилган. Узеир Ҳожибековнинг "Аршин мол олан" асари икки театрда қўйилган, Сурхондарё театрида К.Шаниятбоев ва К.Бойсеитов қаламига мансуб "Жон қизлар" мусиқали асари саҳналаштирилган. Ачинарлиси шундаки, бу мусиқали спектакллар орасида биронта замонавий мавзудаги асарни учратмадик. Муқимий театрида қўйилган "Тўмарис" спектаклида бор-йўғи бир нечта том маънода ария бор, холос. Бу ҳолат халқимизнинг маънавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилувчи мусиқий спектакларга эътиборсизлик, томошабин талабини эътиборга олмасликни англатмайдими?

Ҳар йили консерваторияни битириб чиқаётган композиторларнинг қўлидан мусиқий пьесалар ёзиш келмайдими? Масаланинг илдизи ҳаммамизга аён. Театр ярим хўжалик ҳисобида иш олиб борувчи ижодий ишлаб чиқариш муассасаси. Композитор, драматургларга буюртма бериш учун унда ички имкониятлар етарли эмас. Қолаверса, вилоятлардаги барча мусиқали театрларда оркестр учун ажратиладиган "ўра"лар йўқ.

Маданият вазирлиги ҳар йили камида бешта замонавий мусиқий асарга буюртма беришни йиллик режасига киритса, айни муддао бўлур эди.

Яна бир муҳим муаммо мутахассисларни тайёрлаш масаласи билан боғлиқ.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ҳар йили эстрада режиссёрлиги бўлимига белгиланган миқдорда талабалар ўқишга қабул қилинади. Аммо республикамизда эстрада йўналишида биронта театр борми? Мусиқий драма режиссёрлик бўлимига ҳам худди шундай қабул мавжуд. Драма театрлари режиссёрлиги бўлимига эса тўрт йилда бир марта 5-7 нафар талаба қабул қилинади. Бу борада номутаносиблик яққол кўзга ташланиб турибди.

Эҳтимол, бугунги кунда театрларимизда иқтидорли режиссёрлар тақчиллиги сабабини шу ердан қидириш керакдир...

Тўғри, республикамизда саҳна асари ёзишга ҳаракатда бўлаётганлар талайгина. Аммо уларнинг драматургия қонуниятлари борасидаги, образлар тили ва томошага йўғрилган пьесалар ёзишдаги нўноқликлари кишида афсус уйғотади. Яна драма ёзишда анчагина тажрибага эга муаллифларнинг фақат маиший мавзу атрофида ўралашиб қолиб, ижтимоий аҳамиятга молик асарлар яратишдан йироқлашаётганлари ҳам ачинарли ҳол. Жойларга бориб ҳаёт оқимини ўрганиш, деган гаплар, айниқса, драматургларга ёт бўлиб қолаяпти.

Қуйида бир неча таклифларни ўртага ташламоқчиман.

Аввало, Маданият Вазирлиги қошида Репертуар таҳрир ҳайъати ишини такомиллаштириш мақсадида доимий фаолият юритувчи Бадиий кенгаш ишларини моддий манфаатдорлик асосида янада жонлантириш зарур. Қолаверса, ҳар янги йилда бир

неча мавзуларда (драматик, мусиқали драма, болалар учун) янги асарлар танловини эълон қилиш ва муаллифларни ўз вақтида рағбатлантиришни қолдиқ маблағлар ҳисобидан эмас, балки маълум сметага киритилган маблағ ҳисобидан таъминлашни йўлга қўйиш лозим. Шунингдек, ижодни жонлантириш, ижодий изланишларга йўл очиш мақсадида пойтахт ва вилоятларда "театр студия"лар ташкил этилишига имкон яратиш, икки йилда бир марта театрларда болалар учун саҳналаштирилган спектакллар фестивалини ташкил этиш театр санъатимиз янги поғонага кўтарилишига йўл очади, деб ўйлаймиз.

Жўра МАҲМУД,
Ўзбекистон Республикаси
санъат арбоби, профессор

ЭЗГУЛИК, АЛБАТТА, УНГАЙ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

Давлатимиз раҳбари фарзандларимиз, айниқса, қизларимиз тарбияси ҳақида кўп қайғуряпти. Бу жуда тўғри муносабат. Агар қизларимизни соғлом, фаросатли, ақлли қилиб тарбияласак, келажагимиз пойдевори мустаҳкам бўлади. Чунки улар бўлажак рафиқа, она. Шу маънода илм олишга, спорт билан шуғулланишга жиддий эътибор бериш тегишли ташкилотлар олдига асосий вазифалардан бири қилиб қўйилаётгани эътиборга лойиқ. Айниқса, Маҳалла ва оила масалалари вазирлигининг ташкил этилгани бу борадаги ишларнинг самарасини кафолатлайди, деб ўйлайман.

Дунёга машҳур улуғ алломалар чиққан юртдан нега яна буюклар чиқмас экан?! Албатта, чиқади. Катта умидлар билан ташкил қилинган Президент мактаблари, таниқли ижодкорлар номи билан аталган ижод мактаблари бу йўлдаги илк қадамлар бўлишига умид қиламан.

Халқимиз яхши яшаши керак, дейдилар давлатимиз раҳбари. Атрофдагилар юрт раҳбаридан ибрат олишларини истардим. Оммавий ахборот воситалари, айниқса, телевидение юртимизда кечаётган эзгу ишларни, яхшиликларни, шу билан бирга, камчиликларни рўй-рост халққа етказиб туриши, моҳиятини очиб бериши керак.

Опам врач эди. "Ҳар қандай яранинг йирингини таг-туги билан қириб ташлаш керак. Бўлмаса, яна чиқиб келаверади", дерди. Шунинг учун камчиликларни йўқотишда ҳаммамиз бир бўлиб, Президентнинг ёнида туриб беришимиз, ёмонликни ўз вақтида йўқотишга ҳисса қўшишимиз керак.

Агар одам ҳалол меҳнат қилса, улуғ ёшида ҳам тақдирланар экан. Президентимизнинг қўлларидан юксак мукофотни олар эканман, биз каби кексаларни юртга ўрнак қилиб кўрсатаётганларидан хурсанд бўлдим, шунча масъулиятли ишлари бўла туриб, эл таниган одамларни кузатиб боришларидан ҳайратга тушдим.

Ҳозир Юртбошимиз умид уруғларини қадаяптилар ва бу уруғлар ҳосил беришига ишонаман. Эзгу ниятнинг борлигига шукр. Илоҳим, умрлари узоқ бўлсин.

Рихси ИБРОҲИМОВА,
Ўзбекистон халқ артисти,
"Фидокорона хизматлари учун"
ордени соҳиби

ҲАЙРАТДАМАН

Давоми, бошланиши 1-саҳифада.

Санъат соҳасида амалга оширилаётган эзгу ишлар шу соҳа вакиллари қатори менга ҳам куч-ғайрат, ишонч бағишлаяпти. Биргина кино санъатини олайлик. Очиғини айтганда, кино маҳсулотларимизни намойиш этишга жой қолмаганди. Фақат Алишер Навоий номидаги кино саройига суяниб қолгандик. Янги фильмлар вилоятлар марказларига етиб бориши ҳам амри маҳол эди. Бугун эса юртимизнинг барча ҳудудларида кинотеатрлар қурилмоқда. Ҳатто олис қишлоқларда замонавий қурилмаларга эга машиналар билан хизмат қилиш имконияти яратиляпти. Албатта, телевидение-чи, деган савол туғилиши мумкин. Лекин катта экраннинг ўрни алоҳида эканини унутмаслигимиз керак.

Айни кунларда "Ўзбекфильм" киностудиясида кенг миқёсда олиб борилаётган реконструкция ишларини кўриб, нафақат кино соҳасига тааллуқли одамларнинг, балки мухлисларнинг ҳам кўнгли яйраяпти. Куни-кеча "Ўзбеккино" Миллий агентлигида бўлиб, режаларни эшитиб хурсанд бўлдик. Айниқса, агентлик қошида студия ёки мактаб ташкил қилиш масаласи устида бош қотирилаётгани, бу даргоҳга тажрибали санъаткорлар таклиф этилиши ҳақидаги фикр-мулоҳазалар кино санъатимиз келажагига катта умидлар уйғотди. Буларнинг бари, шубҳасиз, Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайлидир.

Ҳозирги кунда телесериалларда қатнашиб турибман. Шу сабабли, ўрни келганда, баъзи мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман. Аввало, чет эл сериалларини такрорлаб, уларга ўхшатиб сериал қилиш йўлидан бормаслик керак. Қолаверса, ҳар қандай воқеликни ҳам сериал қилиб бўлмайди. Биринчи навбатда томошабинларнинг турли ёшда эканини ва миллий қадриятларимизни назарда тутиш керак, деб ўйлайман. Очиғи, ёш актрисаларимизнинг қиёфалари кўп сериалларда бир хил бўлиб қоляпти. Ҳатто баъзи сериалларда улар уй шароитида ҳам башанг кийиниб, тўйга қилинадиган пардоз билан юришади. Узр-ку, баъзан ўлим тасвирланган саҳнада ҳам лаблар қип-қизил бўялган бўлади. Ваҳоланки, либос, пардоз, тақинчоқларнинг жойи, мавриди бор. Кўча-кўйда юрганда ҳам судраладиган либос кийиш шарт эмас. Биз кийинишда бошқа миллатлардан эмас, бувиларимиздан андоза олишимиз керак. Албатта, замонга ҳамнафас бўлган ҳолда.

Бугун биз каби тажрибали санъаткорлар ёшларимизга ўрнак бўлишимиз лозим. Президентимизнинг санъаткорларга кўрсатаётган юксак рағбатлари барчамизга ижодий изланишларимизда куч-қувват бағишлайди.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистон халқ артисти,
"Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби

Gulxan ЁҒДУЛАРИ

Болаларнинг севимли журнали "Гулхан" тўқсон йилдан зиёд вақт мобайнида фаолият кўрсатиб келмоқда. Салкам бир аср оралиғида ўзбек адабиётининг бир неча авлоди вакилларининг ижод намуналари мазкур журнал саҳифаларида чоп этилган. Ўз касбига содиқ ижодкорлар саъй-ҳаракати билан йиллар давомида журнал сайқалланиб, қадриятимизнинг бир бўлагига айланди. Бу нашрда ишлаганлар кам бўлмади, халқимизнинг ардоқли ижодкорларига айланишди.

Илк меҳнат фаолиятимни мазкур журналда бошлаганимдан қувониб юраман. Ўшанда журналга Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиева бош муҳаррир эди. Журнал таҳририятига Юсуф Худойқул, Фароғат Камолова, Оллоёр Бегалиев, Илҳом Аҳрор каби шоирлар ҳамда рассом Хуршид Зиёхонов сингари ғайратли ходимлар йиғилганди. Ҳар кунги ишни мингдан зиёд мактубни қабул қилиб олишдан бошлардик. Уларни эринмай ўқиб, мавзусига қараб бўлимларга ажратардик. Ҳар бир мактубда мурғак қалбнинг ўй-кечинмалари, саволлари, шеър ёки ҳикояси битилган бўларди. Таҳририятга келиб тушган хатлар бош муҳаррир томонидан назорат қилинар, ҳеч бир хат жавобсиз қолмасди. Айниқса, журналда турли танловлар эълон қилинса, хатлар сони ошиб кетарди. Бош муҳарриримиз бошчилигида жамоа шижоат билан ишларди. Таниқли адиблар таҳририятга ташриф буюриб, ўз маслаҳатлари билан ёрдам беришар, жамоа ходимлари тинмай изланар эди. Изланишлар ўз самарасини бериб, "Менинг қишлоғим", "Антиқа минтақа", "Менинг биринчи китобчам", "Гулхан"жонга хат келди" каби ранг-баранг рукнларидаги асарлар, рангли расмлар билан журнал янада жозибали, ўқишли нашрга айланди.

"Гулхан"да ҳар бир шеър ёки ҳикоя суратсиз чиқмас, Абдубоқи Ғуломов, Феруза Башарова каби рассомлар саҳифаларни мавзусига мос тарзда безашарди. Хуршид Зиёхонов олдиндан чизилган расмларни хона деворларига илиб қўяр, хона гўё кичик галереяни эслатарди. Журнал таҳририяти болалар учун китоб нашр этиладиган "Чўлпон" нашриёти билан ёнма-ён жойлашганди. Бир ёқда "гулханчи"лар, бир ёқда "чўлпон"-чилар — ана энди адабий даврани кўринг. "Чўлпон"чилардан Турсунбой Адашбоев, Сафар Барноев, Анвар Обиджон, Ҳамза Имомбердиев, Равшан Файз, Чори Аваз каби ижодкорлар йиғилишса, бу чинакам шеърият даврасига айланиб кетарди.

Бугунги кунда таҳририят ходимлари, эллик йил олдин қандай бўлса ҳозир ҳам шундай — бир маслакни кўзлаб, журналнинг нуфузини кўтариш, салоҳиятини юксалтириш мақсадида изланмоқдалар.

— Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев, Ўзбекистон халқ шоирлари Абдулла Орипов, Омон Матжон, Ойдин Ҳожиева сингари атоқли ижодкорлар билан ишлаш насиб этганидан қувониб юраман, — дейди "Гулхан" журнали бош муҳаррири Заҳро Ҳасанова. — Бугунги кунда ўзбек адабиётига ўз ҳиссасини қўшаётган таниқли ижодкорларнинг кўпини "Гулхан"

"ГУЛХАН" ЖУРНАЛИ 90 ЁШДА

журнали кашф этган десак, муболаға бўлмас. Уларнинг илк асарлари шу журналда чоп этилган. Янги йилнинг илк сони журналнинг тўқсон йиллигига бағишланди. Унда Кавсар Турдиева, Дилшод Ражабов, Салим Ашуров, Исажон Султонов, Ҳабиб Абдиев, Тўлқин Эшбеков, Ҳусан Нишонов, Ориф Тўхташев сингари таниқли ижодкорларнинг болалик даврида чиққан шеърларини эски тўпламлардан олиб, қайта чоп этдик. "Гулхан" журналининг бугунги ўқувчилари таниқли ижодкорларнинг болалиги билан яқиндан танишишди. Таниқли фольклоршунос олима Музайяна Алавиянинг қизлар учун ёзилган "Иффатли бўлиш нима" (1966 йил 9-сон) мақоласини қайта чоп этдик. Ҳали ҳам долзарблигини йўқотмаган мақолада шундай сўзлар бор: "Сиз, ҳаё нима деб сўрарсиз. Сўзи, ҳаракати, қилиғи билан бошқаларни хижолатга солмаслик, уялтирмаслик ҳаё дейилади".

Республикамизда болалар учун нашр этиладиган ягона "Гулхан" журнали тўқсон йил давомида мавқеини мустаҳкамлаб келди. Халқимизнинг қалбидан жой олган ижодкорлар рассом бўладими, шоир ёки ёзувчи, журналистми, болалигида "Гулхан" журналини ўқигани ҳақиқат. Ҳозир ҳам ижодий сафарларда бўлиб, туман, вилоят, шаҳар мактабларига борамиз. Болалардан олдин ўқитувчиларнинг кўзлари порлаб кетади.

Журнал неча йиллардан буён ёш истеъдодларни кашф этади ва бу анъана давом этмоқда. Ҳозир жамият ҳаётини Интернетсиз тасаввур қилиш қийин. Айниқса, матбуотда бу жуда муҳим. Бу борада жамоамизнинг барча аъзолари фаол иш юритмоқда. Журналнинг веб саҳифаси — gulxan.uz сайти фаоллашди. Facebook ижтимоий тармоғида ташкил этилган "Гулхан" журнали саҳифаси қисқа муддатда кўплаб дўстлар орттирди. Айни вақтда уларнинг сони беш мингга яқинлашиб қолди. Юртимизнинг барча шаҳар, вилоятларидан электрон почтамизга хат келмоқда. "Галерея" рукнида болалар расмлари чоп этилади. Ундан ташқари "Ёш журналист" танловини эълон қилишган. Ўсмирлар ўзларини қизиқтирган мавзуда мақола ёзишлари мумкин. Ғолиблар номи журналда эълон қилинади.

— Барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, тинмай изланишдамиз. Бу борада устозлар тажрибаси ишимизда асқатмоқда. Айниқса, қирқ йилдан ортиқ ҳаёти ва ижодини мазкур журналга бағишлаган Муҳаббат Ҳамидовага суянамиз. Муҳаббат опа болалар дунёсига сингиб кетган, десак янглишмаймиз, — дейди журнал бош муҳаррири Заҳро Ҳасанова.

Сарвара ҚОСИМОВА

"Moziydan sado" 2020 йил, 1-сон

Журналнинг 2020 йилдаги биринчи сони тарихий, маданий-маънавий мавзулардаги қизиқарли фактларга бой материаллари билан эътиборни тортади, деб ўйлаймиз. Т.Емельяненконинг "Ўзбекистон моддий-маданий мероси дунё музейларида" мақоласида Россия этнография музейида сақланаётган йигирма мингдан зиёд осори-атиқалар ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Ноуран Бен Аззунанинг "Ёқут ал-Мустаъсимий ва унинг араб ёзувидаги хаттотлик тарихига қўшган ҳиссаси" мақоласи, Г.Орифжонованинг "Моҳир уста Мақсуд Мадалиев", М.Наимовнинг "Ўзбек халқ маросим қўшиқлари", Нозим Қосимовнинг "Ўзбек халқ лапарлари" каби мақолалари нафақат ўқувчиларни, балки соҳа мутахассисларини ҳам қизиқтириши тайин.

М.Сабировнинг "Марказий Осиё қоғози" мақоласида Самарқанд қоғозининг тарихи ҳақида маълумотлар берилган. Б.Дадамуҳамедовнинг "Халқ меъморчилиги намунаси", Д.Сайфуллаевнинг "Маданий дипломатия анъаналари" каби мақолалари, шунингдек, Ф.Ҳуснутдинов, А.Муратов, М.Абдуҳамидовнинг фикр-мулоҳазалари ҳам янгиликларга бойлиги билан эътиборни тортади. Б.Ҳошимовнинг "Вақф ва вақф хўжалиги", У.Худойбергановнинг "Беруниийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари", Е.Мустафинанинг "Композиторлик ижодиётида Амир Темур образи", И.Каримовнинг "Хўжа Аҳмад Валий қадамжоси", Ж.Аҳмедовнинг "Тошкент политехника музейи" каби долзарб мавзуларга бағишланган мақолалари, "Маданият алифбоси" ҳам мухлисларини топади, деган умиддамиз.

Гулпошша РАЖАБОВА

Низом ҚОСИМ,
Тожикистон Халқ шоири

ОДАМИЙЛИК МАНГУДИР ФАҚАТ

Юлдузлар ва одамлар

Шундай ишонч бўлган азалдан:
агар қазо бўлса муяссар,
юлдуз ёниб ўчган фазода,
ўт из борган қабрга қадар.

Гар яшаган бўлсанг озода,
гар қисматинг бўлса муҳаббат,
юлдузинг нур сочган маҳалда
ёр жамолин кўргансан, албат.

Гар иш тутган бўлсанг тескари
дунё ва тақдирга батамом,
умид кетган сендан ташқари,
юлдузинг ҳам – ҳира тортган жом.

Ҳа, оталар айтган баралла
ва зулматни ёритган зиё,
юлдузлар кенг ёйилган палла
кенгликлардан излайман маъно.

Юлдуз йўли – эзгулик йўли,
басдир бизга етса бир учқун,
ҳар ким келар талабгор бўлиб,
ўз юлдузин чақнатмоқ учун.

Умрларга нур сочиб ахтар
шам мисоли порлайверади,
яхшиларга кулиб, муқаррар
йўлчи юлдуз чорлайверади.

Яхшиликнинг умри кўп узун,
яхшилик ҳеч қачон ўлмайди.
Уфқларга чекинмоқда тун...
ёмонликнинг изи бўлмайди.

Лаҳзалар ижоди

Мангулик – лаҳзалар ижоди,
ҳаёт – абадият гултожи,
яхшиям вақт инсондан озод,
қандай қадим ҳақ ва ҳақиқат,
қандай қалин боқий тариқат:

мангу эмас одам, одамзот,
одамийлик мангудир фақат.

Уруғи

Менинг жафокаш отам
юраги оташ отам
ибодатни яхши кўрарди,
кеча-кундуз Яратгандан сўрарди,
болаларим уруш кўрмай ўссин деб,
дуоларим уруш йўлин тўссин деб.
Дарҳақиқат, уруш кўрмай улғайдик,
ҳар субҳидам шабнамларга юз чайдик.
Шу сабабли илтижолар қилмадим,
ибодатни ўзимга эп билмадим,
тинч ҳаётлар сўрамадим боламга,
тинч ҳаётлар сўрамадим қалъамга.
Шу сабабли фарзандларим урушда
қатнашдилар, ҳатто ҳарбий юришда!

Тинчлик сўраб тилдан қўйманг Худони,
меҳр-шафқат тарк этмасин дунёни,
болаларим, Эгам меҳрибон жуда,
сўраганни этар доим жо-бажо.

...Уруш кўрмай ўсар шунда болалар,
ёш тўкмайди оналар ва қалъалар.

Йўл

Миннатдорман сендан йўл,
миннатдорман, –
бир қорадан бошқасига бошладинг,
дуду ўтдан бутун ўтдинг.
Мен борман...
бошқаларни эса четга ташладинг.

Сен юрганда ечилди не тугунлар,
дўстлар билан бўлдим, ўздим золимдан.
Олдга чорлар сен етаклаган кунлар,
дардкаш бўлдинг, хабар олиб ҳолимдан.
Йўлсизликка юз бурмадим ҳеч қачон,
ҳар не кунда сенга буткул ишондим.
Манзилимдан адашсам-да бенишон,
тўғри йўлга садоқат билан ёндим.

Сенга йўлдош бўлганимдан бахтлиман,
севгигача етиб бордим
ва топдим,
баъзан чизган чизиғингдан чиқдиму
баъзан тикан босган четингдан чопдим.

Ташаккур, йўл,
миннатдорман
унинг кечикишлари,
нозик ичикишлари
ва келишлари учун,
фақат сен билдинг олов ҳаяжонимни,
довлардан омон олиб ўтдинг жонимни,
ола кетдинг
шубҳа-гумонимни,
умид ва ақл бердинг
ва манзилга етдим.

Тоғлар, адирларга ризқ-рўз сочганман,
тенги йўқ бир юртда кўз очганман.
Мен билан бирга юр,
мени менга олиб бор абадият ҳузурида.

Мабодо умрим риштаси узилса,
менга деган сўнгги тадбир тузилса,
бошқаларни бошлаб узоқ сафарга,
ташламагил дўстларимни хатарга,
Бахт йўли бўлиб қол авлодлар учун.

Рус тилидан Салим АШУР таржимаси



БАЙРАМ ГУЛДАСТАСИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Кўргазмалар залида аёл рассомларнинг ижоди намуналаридан иборат байрам кўргазмаси ташкил этилди. "Баҳор вернисажи" деб номланган экспозициядан таниқли ҳамда ёш рассомларнинг элликдан ортиқ рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва амалий санъат асарлари ўрин олган. Римма Гаглоева, Вера Нечаева, Искра Шин, Дилором Мамедова, Галина Ли, Татьяна Ли, Нодира Орипова, Мария Ли-Сафи, Татьяна Фадеева сингари рассомларнинг асарларида баҳор ифори, баҳорий ранглар мужассам. Фаол ёш ижодкорлар орасида Надежда Пак, Комила Измайлова ва Шоира Шодиеванинг ишлари ажралиб туради. Уларнинг ёшлик сурури акс этган ишлари томошабинларда катта таассурот қолдирди. Таниқли ҳайкалтарош Людвига Нестерович асарлари ва Ирина Мухаммедшинанинг заргарлик буюмлари экспозициянинг безаги бўлди, дейилса янглиш эмас.

* * *

Икуо Хираяма халқаро Маданият карвонсаройида очилган "Афросиёб маликалари" номли кўргазма Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланди. Унда рассом Нодира Орипованинг элликта рангтасвир асари намойиш этилмоқда.

Рассом натюрморт, манзара, портрет жанрларида самарали ижод қилаётган бўлса-да, ижодининг асосий қисми аёллар сиймосини яратишга бағишланган. Унинг "Афросиёблик мусаввир аёл", "Варахша гўзали", "Мовий Самарқанд", "Сўғд тўйи", "Ракс", "Зарб завқи", "Тунги муножот" каби асарларида нафақат аёллар сиймосини, балки қадимги тақинчоқлару миллий либосларни кўриш мумкин. Рассом ўзи ҳис этган қувончу ташвишларни тасвирга кўчирган ва томошабинга ҳавола этган.

* * *

Мазкур санъат масканида самарқандлик ёш рассом Озода Иноятиллонинг "Замин таровати" деб номланган шахсий кўргазмаси очилди. Экспозициядан қирқдан ортиқ акварель ва мойбўёқда ишланган ижод намуналари ўрин олган. Озода борлиқни кузатишни яхши кўради ва ҳар бир асарида табиат тароватини тасвирлашга ҳаракат қилади. Мусаввирнинг "Оби раҳмат", "Тоғ манзараси", "Қишлоқ", "Ургут тоғлари", "Тоғдаги дарё" каби асарларида табиатнинг гўзал лаҳзалари акс этган.

Озода республикада ва халқаро миқёсда ўтадиган танловлар, кўргазмаларда мунтазам қатнашиб келади. 2019 йили "Шарқ афсонаси" деб номланган Халқаро кўргазмада муваффақиятли иштирок этган.

С.ҚОСИМОВА

РУС АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

Зиё, илму ирфон, маънавият ва маърифатни ўзида мужассам этган буюк ва муҳташам адабиёт оламига сафар қилиш ҳамиша кўнгилларга завқ-шавқ беради. Жаҳон адабиёти бўстонида ўзининг муносиб ўрнига, юксак мавқе ва мақомга эга бўлган бундай оламлардан бири – рус адабиёти саналади.

Хабарингиз бор, кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорлик алоқалари сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарилиб бораётир.

Ушбу кўп қиррали дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларининг ёрқин тимсоли сифатида муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан «Рус адабиёти дурдоналари» рукни остида 100 жилддан иборат асарлар мажмуасини нашр қилиш ташаббусининг илгари сурилгани мамлакатимизда муҳим маданий воқеа бўлди. Бу ташаббусни китобсевар халкимиз катта мамнуният билан қарши олди. 2019 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур асарлар мажмуасини тайёрлаш ва нашр этиш ишларини мувофиқлаштириш масалалари юзасидан фармойиши қабул қилинди.

Айни пайтда ўз асарларида эзгулик ва инсонпарварлик, муҳаббат ва садоқат туйғуларини авж пардаларда тараннум этган рус мумтоз ва замонавий адабиёти намояндаларининг ижод намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш, ушбу ноёб дурдоналардан бутун халкимизни баҳраманд этиш борасида таниқли адибларимиз, моҳир таржимон ва малакали муҳаррирлар билан ҳамкорликда катта кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу муҳташам мажмуадан ўрин оладиган А.Пушкин, М.Лермонтов, Н.Гоголь, Л.Толстой, А.Чехов, И.Тургенев, Ф.Достоевский, М.Шолохов, М.Горький, С.Есенин, М.Булгаков, Б.Пастернак, А.Ахматова сингари ўнлаб атоқли ижодкорларнинг номлари дунё китобхонлари қаторида юртимиздаги адабиёт ихлосмандлари орасида илгаридан ҳам маълум ва машҳурдир. Ушбу адибларнинг жаҳон кезган асарларини ўқиш ёш авлодни, албатта, камолот сари етаклайди, фарзандларимизнинг фалсафий-эстетик дунёқарашини, интеллектуал салоҳияти ва адабий-бадиий савиясини юксалтиришга, тафаккурини кенгайтиришга, уларни умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг етакчи нашриётларидан бўлган "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижод уйи 100 жилддан иборат «Рус адабиёти дурдоналари» асарлар мажмуасини нашр этишдек хайрли ишга қўл урар экан, унинг дастлабки икки жилди жаҳон адабиётининг ёрқин намояндаси, рус шеъриятининг қуёши дея таърифланадиган Александр Сергеевич Пушкин асарларини ташкил этди.

Ҳозирга қадар 100 жилддан иборат "Рус адабиёти дурдоналари"нинг 16та жилди чоп этилди, жумладан, 3-жилддан Д.Фонвизин ҳамда И.Крилов асарлари, 4 ва 5-жилддан Н.Гоголь ҳамда 9-жилддан А.Островский асарлари ўрин олди. Шунингдек, навбатдаги жилдлар М.Лермонтов, И.Тургенев, Л.Толстой ва Ф.Достоевский асарларини ўз ичига қамраб олди.

Абдумажид АЗИМОВ

Ўзбек маърифатпарварлик даври адабиёти анъаналарини давом эттирган адиб Муҳаммадшариф Эгамберди ўғли Сўфизода таваллудининг 140 йиллиги муносабати билан Наманган вилоятининг Чуст туманида адабий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда пойтахтдан ташриф буюрган ва наманганлик шоир ва адабиётшунослар иштирок этишди.

СЎФИЗОДА САБОҚЛАРИ

"Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, наманганлик ижодкорлар Жамолиддин Муслим, Юсуф Алихонов, Собир Сайхун, Баҳодир Қўчқор, Носир Аббос, Муҳаммад Мирзо ва бошқалар маърифатпарвар бобомизнинг адабий мероси, таълим-тарбия соҳасида амалга оширган ишлари, мураккаб ҳаёт йўли, халқ ва ҳақиқат учун олиб борган кураши ҳақида сўзладилар. Жумладан, мумтоз адабиёт дурдоналари – Ҳофиз, Бедил, Алишер Навоий, Мукимий, Фурқат каби шоирлар асарларини чуқур ўзлаштириб, Тошкент, Қозон, Оренбург, Бокчасаройда чиқадиган матбаа нашрлари, шунингдек, Боку ва Тифлисда чоп этилган озар тилидаги асарларни мутолаа қилган, ўн тўрт йил мобайнида турли Шарқ мамлакатларида яшаб дунё кезган адибнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида атрофлича тўхталиб ўтдилар.

Анжуманда Муҳаммадшариф Сўфизода биринчи Халқ шоири бўлса-да, унинг ҳаёти ва ижоди тўла-тўкис ўрганилмагани, 1968 йилда шоирнинг "Тарона" шеърлар тўплами ҳамда Ҳусайнхон Орифийнинг "Муҳаммадшариф Сўфизода" номли рисоласигина чоп этилгани таъкидлаб ўтилди. "Маърифатпарвар шоирнинг ноёб, дурдона асарлари ўз давридаги газета ва журналларда, Афғонистон, Туркия, Озарбайжон сингари хорижий давлатларнинг нашрларида чоп этилгани шубҳасиз, – деди Ҳусайнхон Орифий. – Уларни батафсил ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир".

Ҳақиқатан, бобомиз Муҳаммадшариф Сўфизоданинг дунё кезиб маориф соҳасида йиққан бой тажрибаси, адабий мероси келгуси авлод учун катта тарихий ва тарбиявий аҳамиятга эга.

Ўз мухбиримиз

АЛЛОМАГА БАҒИШЛАНГАН РОМАН



Жаҳон Тинчлик Конгресси оламшумул аллома Абу Али ибн Синони шундай тавсифлайди: "Гениал инсонларнинг қолдирган изларини асрлар оша ўзида сақлаб келаётган фан, адабиёт ва санъатнинг буюк дурдоналари бор-ки, улар барча халқлар учун ҳам умумбашарий хазинадир. Бу маданий мерос инсоният учун битмас-туганмас манба ҳисобланади ва унинг олдида умуминсоний келишув ва ҳамкорлик истиқболларини очиб беради. Ибн Сино ўзининг ижоди ҳамда яратган асарларининг аҳамияти жиҳатидан бутун инсониятга тегишлидир. Унинг фаолияти ҳақиқат ва ақл-идрок талабларига асосланган эди".

Дарҳақиқат, Шарқу Ғарбда Шайх ур-раис (Олимлар йўлбошчиси) дея эътироф этилган Абу Али ибн Синонинг илмий, адабий, фалсафий мероси дунё илм-фани ва маданияти тараққиётига улкан ҳисса бўлиб қўшилганини яхши биламиз. Таниқли адиб Абдужалол Раҳимнинг "Абу Али ибн Сино" романи биринчи китобининг "Камалак" нашриётида чоп этилиши маънавий-адабий ҳаётимизда қувончли воқеа бўлди.

— Буюк бобокалонимиз Абу Али Ибн Сино (980–1037) ҳазратларининг қолдирган бебаҳо асарлари жаҳон тарихида шунчалик муҳим ўрин тутадики, буларни батафсил сўзлаб тугатиш жуда мушкул, — дейди адиб. — Ҳатто, инсон зотининг бу қадар закий, кўп қиррали ва сермаҳсул бўлишига ақл бовар қилмайди. 57 йиллик умри давомида 280 дан ортиқ асарлар ёзган. Шулардан 40 дан ортиғи тиббиётга оид, 30 га яқин рисола турли табиий фанларга, 3 рисола мусиқага, 185 рисола фалсафага, мантиқ, психология (рухшунослик), теология, ахлоқ, бошқа ижтимоий–сиёсий масалаларга бағишланган. Бизгача фақат 160 га яқин асари етиб келган...

— Мен "Абу Али ибн Сино" романи мутолаасидан катта завқ олдим, —дейди Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган Халқ таълими ходими Фарида Ибрагимова. — Адиб асарида аллома яшаган даврни, унинг шахсиятини, Ибн Сино ҳаётидаги турли мураккабликларни моҳирлик билан тасвирлаган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Энг яхши асарлар" танлови ғолиби сифатида эътироф этилган мазкур романда буюк ватандошимизнинг 1005 йилгача, яъни йигирма беш ёшигача Бухорода кечган ҳаёти қаламга олинган.

Ойниса ҲАКИМОВА

ЯНГИ НАШРЛАР

МУМИН КИШИНИНГ МУЛКИ

"Ҳикматли сўз мўмин кишининг мулкидир. Уни каердан топса, ўзлаштириб олишга ҳақлидир", деган мазмунда ҳадис бор. Атиги бир неча сўздан иборат бу қуйма ибора кишини чуқур мулоҳазаларга чорлайди, ҳаётий қарашларига янги мазмун бахш этади. Узоқ асрлар давомида шаклланиб, мазмунан ва бадиий жиҳатдан бойиб, сайқал топган, халқ донишмандлигининг дурдонасига айланган мақоллар инсониятнинг умрбоқий қадриятларини ўзида мужассамлаштиргандир.

"Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да мақолга "ҳаётий тажриба асосида халқ томонидан яратилган, одатда панд-насиҳат мазмунига эга бўлган ихчам, образли тугал маъноли ва ҳикматли ибора", маталга эса, "тугал маъно ифодаламайдиган образли ибора, ҳикматли сўз" дея таъриф берилган.

Таниқли ижодкор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Эркин Эрназаров тартиб берган "Нақл – ақл" номли тўпламан ўзига хос митти хазина, дейиш мумкин. "Innovatsion rivojlanish nashriyoti" томонидан чоп этилган ушбу тўпламдан жаҳон халқларининг энг сара мақоллари, шунингдек, жамоат ва давлат арбоблари, олимлар, файласуфлар, адибларнинг ибратли фикрларидан иктибосларнинг ўзбек тилига таржимаси, шу билан бирга, тўпловчининг қатра ҳикоятлари ўрин олган.

Очил ҲАЗРАТОВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоир

Азим СУЮНнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" жамоат фонди уюшма аъзоси, филология фанлари доктори, профессор

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Бобур номли халқаро жамоат фонди таниқли бобуршунос олим, филология фанлари доктори, профессор

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкоримиз: Imzo akfa

Бош муҳаррир Салим АШУРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Ҳумоюн АКБАРОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ
Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 5302. Буюртма Г - 355.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42 Санъат бўлими: 233-56-40 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 01.50.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.
ISSN 2181-614X